БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 15 июнь Жума № 113 (13.549). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

Илгари хабар қилганимиздек, Наманган ипак ишлаб чиқариш бирлашмасида қувватларни қайта жиҳозлаш ишлари қизғин давом этаётир. Ана шу ишлар ниҳоясига етиши билан корхонада 33 миллион сўмлик соф фойда олиш кўзда тутилмоқда.

Бугунги кунда бирлашмада эҳтимолдан ҳоли бўлмаган йўқотишларга барҳам бериш мақсадида қийқимлардан болалар учун қарийб 20 хилдаги кийим-кечаклар тикиш йўлга қўйилган. Йил давомида 2 миллион 300 минг сўмлик ана шундай либослар тикиш мўлжалланган. Шунингдек, бу ерда янги тикув цехлари очилиб, 250 нафар киши иш ўринлари билан таъминланди. Бу аҳолиси ўта зич жойлашган водий ноҳиялари учун муҳим аҳамият касб этади.



СУРАТДА: корхонанинг янги тикув цехида. Бу ерда ўлчамли қийқимлардан болалар кийимлари тикилади. Дилрабо Луқмонова ҳамда Гулбора Тожибоевалар (олдинда) ўз касбининг моҳир усталари саналадилар.

ЎзТАГ мухбири А. КОВТУН олган сурат.

Ўзбекистон ССР Президентининг Фармонларига шарҳлар

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съездида Марказий Қўмитанинг Сиёсий маърузасида, съезд материалларида жумҳуриятнинг иқтисодий мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлашга оид аниқ-равшан амалий йўналишлар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси сўзда эмас, балки амалда чинакам сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эришиш орқали халқ фаровонлигини ошириш, унинг турмуш даражасини ўстириш мумкинлигини аниқ англаб турибди.

Айни пайтда партия ана шу мақсадга эришиш йўли шунчаки ҳужжатлар ва баёнотларда эмас, балки конкрет қадамларда эканлигини аниқ-равшан кўриб турибди.

Бу йўл машаққатлидир. Энг аввало, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов неча бор таъкидлаганидек, фақат иқтисодий мустақиллик, жумҳурият етиштираётган барча нарсаларга эгалик қилишгина унинг халқи фаровонлигига хизмат қилади. Фақат шугина ҳар бир алоҳида оила ва умуман бутун халқ фаровонлигини оширишга имкон беради.

Шу пайтгача жумҳуриятда етиштирилаётган хом ашёнинг пахта толаси, каноп толаси, кимёвий тола, пилла, ипак, чарм ва мўйна хом ашёси, барча турдаги газламалар, табиий жун каби асосий турлари ва бошқа маҳсулотларни тақсимлаш билан иттифоқ идоралари шуғулланиб келмоқдалар.

Ўзбекистонда халқ хўжалигининг шундай структураси таркиб топдики, ҳар бир корхона технология изчиллигини ҳисобга олмай ва энг муҳими, жумҳурият манфаатларини ҳисобга олмай ўз маҳсулотини гарчи уни ўзимизда қайта ишлаш мумкин бўлса-да, жумҳуриятдан ташқарига юбормоқда.

Асосан иттифоқ идораларининг тақсимлашига кўра жумҳуриятда етиштирилаётган пахта толасининг 87,5 фоизи, қоракўл терининг 88,5 фоизи, табиий жуннинг 70.5 фоизи, синтетик толанинг 92,9 фоизи, пилла ва бошқа хом ашёнинг 11,6 фоизи мамлакатнинг бошқа регионларига ва четга чиқарилмоқда. Айни пайтда жумҳурият саноатининг эҳтиёжлари кўпинча таъминланмаётганлигига қарамай шундай қилинмоқда.

6 та ташкилот — Ўзбекистон ССР Енгил саноат вазирлигининг моддий-техника таъминоти бошқармаси, «Узтекстильторг», «Средазхлопкосбит», «Шелк» жумҳурият ишлаб чиқариш бошқармаси, «Каракуль» жумҳурият хўжалик ҳисобидаги бирлашмаси ва «Новоэкспорт» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўрта Осиё идораси истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ҳар томонлама узвий боғламай туриб енгил саноатнинг хом ашё ресурсларини тақсимлаш ва сотиш ҳамда маҳсулот етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоб қилиш билан шуғулланиб келдилар. Улар тарқоқ ҳолда иш олиб бордилар, жумҳурият манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан етарли чоралар кўрмадилар, маҳсулот айирбошлашнинг эквивалентлигини назорат қилмадилар.

Ана шу энг муҳим хом ашё ресурсларидан янада самарали фойдаланиш ва жумҳурият манфаатларини ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши ҳузурида хом ашё ва енгил саноат маҳсулоти таъминоти ҳамда уларни сотиш бош бошқармаси (Узглавлегснабсбит)ни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ана шу бошқарма зиммасига Ўзбекистон ССРда етиштирилаётган пахта толаси ва линт, пилла, табиий ипак, катта ва кичик чарм хом ашё, қоракўл тери, пўстин ва мўйна каби хом ашёнинг бутун ҳажми юзасидан жумҳурият ичкарисига, мамлакатнинг бошқа регионларига маҳсулот етказиб бериш ва чет мамлакатларга экспорт қилиш учун шартномалар тузиш вазифаси юкланади.

У шунингдек, балансларни ишлаб чиқишни, режалаштиришни, жумҳуриятдаги барча истеъмолчилар учун ўз номенкулатураси бўйича моддий ресурсларни иттифоқ идораларида ҳимоя қилишни амалга оширади, фонд эгаси ҳисобланади, хом ашёни, материалларни ва Ўзбекистон корхоналарида тайёрланган тайёр маҳсулотларни сотишни ташкил этади. Ушбу моддий ресурсларнинг турлари юзасидан жумҳурият ярмаркаларини ўтказади ва жумҳуриятлараро ярмаркаларда регион манфаатларини ҳимоя қилади.

Маълумки, пахта, ипак, қоракўл ва бошқа хом ашё турлари ҳамда тайёр маҳсулотлар жаҳон бозорида ғоят харидоргирдир. Бу жумҳуриятнинг экспорт бўйича мамлакатда етакчи ўринлардан бирини эгаллашини белгилаб беради.

Катта моддий ва меҳнат ресурслари, географик жиҳатдан қулай жойлашганлик, асрлар давомида шаклланган жаҳоннинг кўпгина регионлари билан анъанавий маданий ва савдо алоқалари ҳам шунга кўмаклашади.

Айни пайтда ташқи иқтисодий муносабатларни халқ хўжалигини ривожлантиришни жадаллаштиришнинг ғоят муҳим омилига айлантириш юзасидан улкан имкониятларга эга бўлингани ҳолда жумҳуриятда ҳозиргача мавжуд бўлган бошқарув структурасида кутилган натижаларга эришишга муваффақ бўлинмади.

Яқин вақтларгача амал қилиб келган ташқи савдо ва ташқи иқтисодий фаолиятни монополиялаштириш жумҳуриятга бу масалаларни мустақил ҳал этиш ва ташқи бозорга чиқиш имконини бермай келди.

Буларнинг ҳаммаси ихтисослаштирилган идора — Ўзбекистон ССР Ташқи савдо ва чет эллар билан алоқа давлат комитети тузилишини қатъий зарурат қилиб қўйди.

Бу комитет зиммасига жумҳурият манфаатларини кўзлаб ягона ташқи иқтисодий сиёсатни ўтказиш, хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, савдо, илмий-техникавий ва маданий алоқаларни ривожлантириш ишларини мувофиқлаштириш, ташқи алоқалар қатнашчилари фаолиятини назорат қилиш, давлат режалари ва жумҳурият ҳукумати топшириқларини бажариш, чет мамлакатлар билан ҳамкорликнинг янги шаклларини ривожлантириш, шу жумладан, хорижий шериклар иштирокида қўшма корхоналар, уюшмалар, савдо уйлари, акционерлик жамиятлари ташкил этиш, ўзаро манфаатли шартларда маданий, спорт, туристик ва бошқа алоқаларни йўлга қўйиш вазифаси юклатилди. Комитет Совет Иттифоқида ва чет элларда Ўзбекистон ССРнинг ташқи иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилади.

Комитет Ўзбекистон ташқи иқтисодий банки, божхона хизмати билан ҳамкорликни амалга оширади, ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчиларини рўйхатга олади, экспорт ва импорт лицензияларини беради, таркиб вужудга келаётган вазият ва талабни ҳисобга олиб, барча товарларни олиб чиқиб кетиш (олиб келиш)га тақиқни жорий этади ва бекор қилади.

Ушбу тадбирларнинг қабул қилиниши Ўзбекистонга яқин вақт ичида жаҳон бозорига тўла ҳуқуқли иштирокчи сифатида чиқишга ва ташқи иқтисодий алоқаларни жумҳуриятни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг қудратли омилига айлантириш имконини беради.

Ўзбекистон ССР Президенти Фармонларининг қабул қилиниши — жумҳуриятда унинг иқтисодий мустақилликка эришишини таъминлайдиган давлат структуралари (вазирликлар, идоралар, бошқармалар) ташкил этиш йўлидаги дастлабки амалий қадамлардир.

XII ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

XII чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси 1990 йил 18 июнь куни соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашида

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши «Буюк аллома Муҳаммад Тарағай Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда, жумладан, бундай дейилади: жаҳон маданияти тараққиётига катта ҳисса қўшган буюк аллома Муҳаммад Тарағай Улуғбек (Мирзо Улуғбек)нинг 600 йиллиги юбилейига пухта тайёргарлик кўриш ва 1994 йил мартида уни муваффақиятли ўтказиш мақсадида Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши қарор қилади:

Ўрта Осиёнинг буюк олими — фалакиётчи ва риёзиётчи Мирзо Улуғбек таваллуд топган куннинг 600 йиллиги мамлакат, регион ва жумҳуриятнинг ижтимоий ва маданий ҳаётидаги катта воқеа сифатида кенг нишонлансин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан келишиб тузилган юбилей тадбирларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жумҳурият ташкилот комитети тасдиқлансин.

Жумҳурият ташкилот комитетига Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё вилоят ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети билан биргаликда Улуғбек юбилейини ўтказиш тадбирларини ишлаб чиқиш топширилди.

Жумҳурият ташкилот комитетига, Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясига, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига 1994 йилнинг январь-март ойларида Самарқанд, Тошкент ва Москва шаҳарларида илмий жамоатчилик ва меҳнаткашларнинг тантанали мажлисларини ўтказиш, шунингдек Тошкент шаҳрида Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейига бағишланган илмий анжуман ўтказиш, бу тадбирларни вазирликлар ва идораларнинг ана шу мақсадлар учун кўзда тутилган маблағлари ҳисобидан амалга ошириш топширилди.

Мазкур тадбирларни жумҳурият, Бутуниттифоқ ва халқаро, илмий ҳамда илмий-техника кенгашлари, конференциялари, съездлари, симпозиумлари ва семинарлари режаларига киритиш, Мирзо Улуғбек юбилейини ўтказиш тўғрисидаги масалани ЮНЕСКО планига киритишни, шунингдек 1994 йилда юбилей тангасини чиқаришни, СССР Фанлар Академиясининг Улуғбек номидаги мукофоти ва медалини таъсис этишни белгиланган тартибда 1990 йил охиригача ҳал қилиш тавсия этилди.

Ўзбекистон ССР Маданият вазирлигига 1994 йилгача бўлган даврда Улуғбек музейининг янги биносини қуриш ҳамда Самарқанд, Бухоро ва Ғиждувон шаҳарларида Улуғбек мадрасаларида таъмирлаш-тиклаш ишлари билан бир вақтда ана шу мақсадларга ҳар йили ажратиладиган маблағ ҳисобидан Самарқанд шаҳридаги Улуғбек расадхонасини таъмирлаш-консервациялаш ишларини бажариш;

1991 йил 1 январга қадар Ўзбекистон меъморлар ва рассомлар уюшмалари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети билан биргаликда Тошкент шаҳрида Улуғбек ҳайкалини бунёд этишга конкурс шартларини ишлаб чиқиш ва бундай конкурсни эълон қилиш;

1991 йил 1 сентябргача Мирзо Улуғбек ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги бадиий ва телевизион фильмларнинг энг яхши сценарийлари учун конкурс ўтказиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясига Ўзбекистон ССР Давлат матбуот комитети билан биргаликда Мирзо Улуғбек асарларини, шунингдек унинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган совет олимлари ва хорижий олимлар китоблари туркумини ўзбек ва рус тилларида 1990—1992 йилларда нашрга тайёрлаш ва 1993—1994 йилларда белгиланган тартибда нашр этиш тавсия қилинди.

Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясига, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига Улуғбекнинг ҳамда унинг мактабига мансуб олимларнинг чет эл хазиналарида сақланаётган асарлари асл нусхаларини (микрофильмларни) аниқлаш ва сотиб олиш ишларини ташкил этиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Молия вазирлигига, Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясига, Ўзбекистон ССР Маданият вазирлигига Самарқанд вилоят ижроия комитети ва Тошкент шаҳар ижроия комитети билан, шунингдек барча манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 1991—1994 йилларда Улуғбек таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ барча молиявий хўжалик масалаларини ҳал этиш тавсия қилинди.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига, Ўзбекистон Ахборот агентлигига, Қорақалпоғистон АССР Вазирлар Кенгашига, вилоят ижроия комитетларига, Тошкент шаҳар ижроия комитетига, газета ва журналларнинг редакцияларига буюк олимнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган кенг маърифий ишларни амалга ошириш топширилди.

Жумҳурият ташкилот комитетига юбилейни ўтказишга тайёргарлик қандай бораётганлигини ҳар ярим йилда камида бир марта кўриб чиқиш тавсия этилди.

Шу сўнгги хабар

Асирликдан қутқарилди

10 июнь куни Афғонистоннинг Боғлон вилоятида собиқ 40-армиянинг кичик сержанти Нурмамат Ходимуродов асирликдан озод қилинди. У яқинда афғон ҳукумати томонидан мамлакатимизнинг Қобулдаги элчихонасига топширилади...

СССР Қуролли Кучларининг Бош штаби вакиллари ҳалигача Афғонистондаги оппозициячи кучлар қўлида асирликда сақланаётган йигитларимизни қутқариш учун тинмай музокаралар олиб боришаяпти. Уларнинг ота-оналари, яқин кишиларининг аламли кўнгилларига таскин бериш ҳам осонмас. Аммо бу «сирли» рўйхатдагилар сони аста-секин камайиб бораётгани қувончлидир. Мана олайлик, ўтган йилнинг охирида А. Лопух ва В. Прокопчук, шу йилнинг март ойида эса А. Тихоновлар она юрт тупроғига қайтиш бахтига муяссар бўлдилар. Мана яна бир хушхабар — ўзбекистонлик Н. Ходимуродов ҳам афғондан қайтиб келаяпти..

Нурмамат 1968 йилда туғилган. 1986 йилнинг кузида Қашқадарё вилоятининг Нишон ноҳияси ҳарбий комиссариати томонидан армияга чақирилган. Афғонистондаги мотоўқчилар полкида йигитлик бурчини ўтаган. 1988 йилнинг 17 февраль куни жанговар постни қабул қилаётган пайтида уни қуролдошлари сўнгги марта кўришган.

Нурмаматнинг асирликда кечган икки йилни қандай ўтказганлиги ҳақида унинг ўзидан бошқа ҳеч ким гапириб беролмайди. Асосийси, унинг икки йил изтироб чекиб, кўзлари тўрт бўлиб азиз фарзандларини орзиқиб кутган жигаргўшаларининг нияти ижобат бўлди.

Хуллас, Бош штабдагилар савоб иш қилишди, Қашқадарёга — Нурмаматнинг она юртига суюнчи телеграммаси йўлланди. Насиб этса, эрта-индин Н. Ходимуродов туғишганлари қучоғини тўлдиради...

Н. МЕДВЕДОВ,
подполковник (СССР Мудофаа вазирлиги матбуот маркази), «Красная звезда» рўзномаси, 14 июнь 1990 йил.

Бугун соат 20. 30 да

Ўзбекистон ойнаижаҳони ёшлар учун эшиттиришлар бош муҳарририяти янги туркум кўрсатув тайёрлади. У «Ёшлик оқшоми» деб номланади. Мусиқий, ахборот-публицистик кўрсатувнинг биринчи қисми бугун соат 20.30 да ҳаво мавжларига чиқади. Унда...

Келинг, яхшиси бироз вақтингизни аямай ойнаижаҳон қаршисига ўтиринг. Бир гуруҳ ёш журналистлар ижодий маҳсулига холисона баҳо беринг. Балки сизда ҳам кўрсатувни янада такомиллаштириш ҳақида фикр-мулоҳазалар туғилиб қолар.



Мағлубият... мағлубият ?...

Бу йилги чемпионатдан умидимиз катта эди. Афсуски футболчиларимиз миллионлаб мухлисларининг ишончини оқлаша олмадилар. Энди кимни айблаймиз? Биринчи ўйинда-ку ҳар хил баҳоналар рўкач қилинди. «Майли» дедик. Ҳатто баъзилар «Бу Лобановскийнинг сирли тактикаси» деб кўнгилларига таскин беришди. Йўқ, бу хом хаёллар беҳуда кетди.

Лекин барибир кўнглимизнинг бир бурчида «балки бу гал ҳеч бўлмаганда дуранг ўйнашар» деган ўй ҳам йўқ эмасди..

Ҳозир футбол мухлислари командамизнинг жаҳон чемпионатидаги муваффақиятсиз қатнашуви сабаблари ҳақида қизғин баҳслашмоқдалар. Бу баҳслар ҳали бери тугамайди албатта. Айримлар «Михайличенко, Яковенко сингари футболчиларимизнинг ўрни жуда билинди» демоқда. Аммо ҳозирги составнинг ўзи ҳам имконияти даражасида ўйин кўрсата олмаганлиги мухлисларни таажжубга солмоқда. Иккала учрашувда ҳам ватандошларимизнинг ўйинлари умуман қовушмади. Заваров, Протасов, Литовченко сингари таниқли футболчиларимиз ҳам мухлислар хотирасида қоладиган бирор иш қила олишмади.

СССР терма командаси сўнгги ўйинни энди Камерун командаси футболчилари билан ўтказишади.

АРМИЯДАГИ ҚАДАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, ЙИГИТЛАР!

БУ МАСАЛА УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ ШУРОСИНИНГ СЕССИЯСИДА КУРИЛАДИ

Қайта қуриш бугунги кунда ижтимоий ҳаётимизнинг барча томонларини қамраб олди. У Совет Қуролли Кучлари сафини ҳам четлаб ўтмади. Армияда қайта қуришнинг муҳим омиллари — демократия ва ошкораликни янада ривожлантириш учун барча чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Узбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг «Гражданларнинг ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилиши тўғрисида» қабул қилган қарори жумҳуриятимиздаги ҳар бир ота-онанинг дилидаги айни муддаоси бўлди.

УзТАГ мухбири ана шу муҳим қарор юзасидан, Узбекистон ССР ҳарбий комиссариати сиёсий бўлимининг бошлиғи, полковник А. Я. Рубеко билан суҳбатлашди.

— Анатолий Яковлевич, яқинда Узбекистон ССР Вазирлар Кенгаши «Гражданларнинг ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилиши тўғрисида» қарор қабул қилди. Сиз ана шу муҳим ҳужжат тўғрисида нима дейсиз?

— Аввало шуни айтмоқчиманки, бу қарор гражданларни СССР Қуролли Кучлари сафига чақирувни ташкил қилиш ишига ҳуқуқий асос солган жуда муҳим ва зарур ҳужжатдир. Мазкур қарорда кўпчилик кутган янгиликлар бор. Бу жуда қувончли, албатта. Унда таъкидлаб ўтилганидек, СССР Мудофаа Вазирлигининг қарори билан 1990 йил баҳорги чақириқни ўтказиш чоғида Ўзбекистон ССРдан жанговар қисмларга чақириш наряди кўпайтирилганлиги эътиборга олинди. СССР Мудофаа Вазирлигининг ҳарбий қурилиш отрядларига чақириш учун наряд шунга мувофиқ камайтирилди. Жумҳуриятдан чақирилган ҳарбий қурувчилар хизматни Қизил байроқ орденли Туркистон ҳарбий округида ўтказадилар. Жумҳурият ҳукуматининг бу қарорида Ўзбекистон ССРдан чақирилган жангчилар қаерда жойлашишидан қатъи назар, ҳарбий қурилиш отрядларида хизматни ўташ шартлари билан танишиш учун махсус комиссиялар тузиш ва бу комиссиялар таркибига халқ депутатларининг ва жамоат ташкилотларининг вакилларини жалб этиш кўрсатиб ўтилган.

— Ҳозир бу қарор қандай бажарилмоқда?

— Ҳар бир қарор у қандай мазмунда бўлмасин ўз вақтида сифатли қилиб бажарилгандагина қимматини йўқотмайди. Биз жумҳурият ҳукуматининг бу қарорини жуда катта масъулиятни ҳис қилиш билан ҳаётга татбиқ этаяпмиз. Уни адо этиш ишлари конкрет план асосида олиб борилаяпти.

Бу йилги баҳорги чақириқ қайта қуриш жараёни ўзининг туб бурилиш босқичига кирган, КПСС XXVIII съездига катта тайёргарлик ишлари амалга оширилаётган бир вақтга тўғри келди. Ишимизда мамлакатда кескинлашган миллатлараро муносабатларни, баъзи регионларда армияга қарши пайдо бўлган кайфиятларни ҳисобга олмасдан иложимиз йўқ. Бундай шароитда ҳарбий комиссариатлар ўз фаолиятларида янги-янги шакл ва усулларни излаб топмоқдалар. Биз ошкораликни кун сайин ривожлантириб бораяпмиз.

Ҳарбий хизматга чақириш, хизмат муддатини ўташ, очиқ эшиклар куни масалаларига бағишлаб округ штаби, ҳарбий комиссариатлар ва чақирилувчиларнинг ота-оналари, жумҳурият билан вилоят гражданлари ўртасида бевосита мулоқотлар ўтказиш анъанага айланиб қолди.

Яқинда вилоят чақирув пунктида ана шундай қабул ўтказилди. Мавриди келганда шуни айтиб ўтиш лозимки, ўша ерда ҳар куни ишлайдиган жамоат қабули ташкил қилинди. Бу ерда чақирув ҳамда хизмат муддатини ўташ юзасидан барча саволларга жавоб олиш мумкин бўлди.

Ноҳия, вилоят чақирув комиссияларининг ишларини янада яхшилаш бўйича бизнинг таклифларимиз жумҳурият ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланди ва бу борада қарор қабул қилинди. Бизнинг бу таклифларимизда чақирув комиссиялари раисининг ўринбосарлари этиб чақирувни ўтказиш иши билан боғлиқ масалаларда тезда чора-тадбирлар кўра оладиган ва бу масалаларни ижобий ҳал қила оладиган (ноҳия, шаҳар, вилоят) халқ депутатлари Советлари ижроия қўмиталари раисларининг ўринбосарлари тайинланиши илгари сурилган. Булардан ташқари, чақирув комиссияларининг ишида халқ депутатларининг вакиллари ҳам қатнашмоқда. Улар орасида ноҳия Совети депутатидан тортиб то Олий Совет депутатигача бор.

Шунингдек, эшелонлар таркибида кўп сонли чақирилувчилар билан бирга партия, совет, комсомол органларининг вакилларини, ота-оналарни жўнатиш тўғрисида ҳам қарор қабул қилинди. Бунда биз ниманларни назарда тутаяпмиз.

Биринчидан, бутун йўл давомида, яъни хизматни ўташ жойигача чақирилувчилар билан тарбиявий ишлар олиб борилади. Бу эса ҳарбий хизматга бораётганларнинг хулқ-атворига, интизомига ижобий таъсир кўрсатади.

(Давоми 2-бетда).

АРМИЯДАГИ ҚАДАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, ЙИГИТЛАР!

(Боши 1-бетда).

Иккинчидан, қисмга етиб борилгач, бизнинг вакилларимиз армияга чақирилган ёшлар қандай кутиб олинганликларини, улар қандай жойлаштирилганлигини ўз кўзлари билан кўрадилар. Жумҳуриятимиздан илгари чақирилган ҳарбий хизматчилар билан учрашадилар, хизмат муддатини ўташ вақтида уларга яратиб берилган яшаш шароитлари билан, ўқув жараёнининг қандай ташкил этилганлиги билан танишадилар, қисмларнинг командирлари билан учрашувлар ўтказадилар. Уларга она ердан олиб келинган совғаларни, ўзбек тилида чоп этилган турли адабиётларни, пластинкалар, кассеталар, мусиқа асбобларини топширадилар.

Ўйлаймизки, бундай тадбирлар ҳарбий хизматга чақирилганлар учун ҳам, хизмат бурчини адо этаётган ҳарбий хизматчилар учун ҳам, шу билан бир қаторда ота-оналар учун ҳам жуда фойдали бўлади.

— Ҳарбий комиссариатлар чақирилувчиларни меҳнат жамоалари, ота-оналар, уруш ва меҳнат ветеранлари, байналмилалчи жангчиларнинг наказлари билан тантанали равишда кузатиб қолишни қандай уюштирмоқдалар?

— Бу жуда катта аҳамиятга эга бўлган масала. Шунинг учун ҳам, айниқса, кейинги вақтларда ана шу муҳим масалага эътиборни кучайтирмоқдамиз. Бу зарур тадбирни биринчи навбатда маҳаллий партия, совет ва комсомол органларига яқиндан таянган ҳолда, шунингдек, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, олий ўқув юртларининг раҳбарлари, меҳнат жамоалари, ота-оналар, уруш ва меҳнат ветеранлари, байналмилалчи жангчилар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш туфайли амалга оширяпмиз. Улар ҳар бирининг насиҳатлари ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшларда унутилмас таассурот қолдиряпти. Бу ёшларни она-Ватанга ота-боболаримизнинг қаҳрамонона ишларига содиқлик руҳида тарбиялашга илҳомлантирмоқда.

— Ҳарбий комиссариатлар билан жумҳуриятдан чақирилган жангчилар хизмат қилаётган қисмлар ўртасида оталиқ алоқалари ўрнатилганми?

— Ҳа, ўрнатилган. Биз Киев, Узоқ Шарқ, Шимолий Кавказ, Карпатолди, Белоруссия, Байкалорти, Москва, Ленинград каби ҳарбий округлар билан оталиқ алоқаларини ўрнатганмиз. Бундай алоқалар тобора ривожланиб боряпти. Партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари жангчиларнинг ота-оналари билан бирга юқорида номлари тилга олинган округларда бўлдилар. Ана шу округларнинг ҳарбий қисмларида жумҳуриятимиз вакилларига ўз хизмат бурчини сидқидилдан бажараётган ўзбекистонлик жангчиларнинг ҳаёти, ўқиши билан танишиш имкони берилди. Жангчиларга, шунингдек, ўзбеклар диёридан олиб борилган турли хил совғалар армуғон этилди.

Жумҳурият ижодий жамоаларининг артистлари эса Киев ва Узоқ Шарқ ҳарбий округларида бўлдилар, ўз санъатларини намойиш этиб, жангчилар ҳурмат-эътиборини қозондилар.

Ҳарбий округлар билан оталиқ алоқаларининг ўрнатилиши жангчиларни ҳарбий ватанпарварлик ва байналмилал руҳда тарбиялашга хизмат қилмоқда.

— Минг афсуски, ҳали ҳам армияда муаммолар кўп. Жумҳуриятимизда армияга кетган ёшларнинг ота-оналари аскарларнинг ўз хизмат бурчини ўташ вақтида ҳалок бўлаётганлиги тўғрисидаги хабардан ниҳоятда ташвишланмоқдалар. Сиз бу ҳақда нима дея оласиз?

— Юртдошларимизнинг ўз бурчларини адо этаётган вақтда ҳалок бўлиши фақат уларнинг ота-оналари, қариндош-уруғларинигина эмас, бизларни ҳам қаттиқ ташвишга солмоқда. Бу ҳақда статистик рақамлар ва баъзи фактлар мавжуд.

Лекин шуни ҳам очиқ-ойдин айтиш керакки, бизнинг ишимизда ҳали ёшларни армия сафига тайёрлаш, уларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида бир талай камчиликлар бор. Ўзингиз ўйлаб кўринг: ҳалок бўлган қарийб ҳар беш жангчининг бири касалликдан вафот этган. Ҳарбий хизматга чақирилувчилардаги бу касаллик соғлиқни сақлаш органлари, ноҳия ҳарбий комиссариатларидаги медицина комиссиялари томонидан яхши аниқланмаган. Ўз-ўзини ўлдириш натижасида ҳам шунча солдат ҳалок бўлмоқда. Булар жисмоний жиҳатдан кам қувват, касал, маънавий ва руҳий томондан чиниқмаган ёшлардир. 9 фоиз жангчи автотранспортни бошқаришни яхши ўзлаштирмаганлиги сабабли аварияда ҳалок бўлди. Буларнинг ҳаммаси ҳалок бўлган барча жангчиларнинг ярмига яқинини ташкил қилади. Агар армия хизматига яхши тайёргарлик кўрилса, бундай фалокат анча қисқариши мумкин.

— Ахир улар фақат ҳарбий хизматга яхши тайёргарлик кўрмаганликлари учунгина ҳалок бўлмаяптилар-ку. Шундай эмасми?

— Ҳа, шундай. Афсуски, ҳали ҳам жангчилар ҳарбий машғулотлар пайтида қурол, техника билан масъулиятсизларча муносабатда бўлганликлари оқибатида, қурилиш, хўжалик ва бошқа ишларни бажараётган вақтда хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилмасликлари туфайли ҳам ҳалок бўлмоқдалар. Маълумотларга қараганда, 4,5 фоизга яқин жангчи безорилик қилганлиги, муштлашганлиги, таҳқирланиш ва бошқа сабаблар оқибатида ҳалок бўлган.

— Ҳозирда ёшларни армияга тайёрлаш бўйича қандай муаммолар мавжуд?

— Бизда ҳали ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш бўйича ҳал этилмаган кўплаб муаммолар бор. Ҳаммамизни чақирилувчиларнинг умумий билим даражаси, уларнинг рус тилини яхши билмасликлари, жисмоний тайёргарлигининг қониқарсизлиги, даволаш-соғломлаштириш ишларининг ёмонлиги ва бошқа масалалар ташвишлантирмоқда.

Ҳозирги вақтда бизни жуда муҳим масала — ҳарбий хизматни ўташ учун чақирилувчиларнинг ноҳия ва вилоят чақирув комиссиялари ҳузурига бормаслиги фактларининг кўпайганлиги қаттиқ ташвишга соляпти. Бу кўнгилсиз ҳол, айниқса, Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов, Собир Раҳимов, Киров, Октябрь, Куйбишев, Чилонзор, пойтахт вилоятининг Олмалиқ, Оҳангарон, Бўстонлиқ ва Калинин ноҳияларида рўй беряпти. Бундай муаммоларни биз партия, совет органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари билан биргаликда ҳал қилишимиз мумкин.

Совет идораларига, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарларига, — «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР қонунининг бажарилишини таъминлаш, чақирилувчиларнинг чақириқ манзилларига ўз вақтида етиб келишида ҳарбий комиссариатларга ёрдам бериш топширилган.

— Анатолий Яковлевич, суҳбатимиз ҳам ниҳоясига етмоқда. Сизни бўлажак жангчилар ва уларнинг ота-оналарига қандай истакларингиз бор?

— Мен бўлажак жангчиларга, уларнинг ота-оналарига шундай демоқчиман: армия — бу халқ, давлат фарзанди. Совет Армияси Ватан посбони бўлиб, халқимизнинг тинч меҳнатини қўриқлаб турибди.

Ҳарбий хизмат ҳамиша бизнинг ватанпарварлик ва байналмилал бурчимиз бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Шундай экан, ёшлар ҳарбий хизматга олдиндан ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришлари лозим. Умумий таълим сирларини яхши эгаллаш, рус тилини билиш, жисмоний жиҳатдан бақувват бўлиш, армиянинг қийин шароитига ўзини маънавий жиҳатдан тайёрлаш, мураккаб шароитларда ўзини йўқотиб қўймасликка ҳаракат қилиш, техника хавфсизлиги қоидаларини пухта билиш ҳар бир жангчига ўз хизмат бурчини аъло даражада ўташига кафолат беради.

Т. БОТИРБЕКОВ.



Саволлар беринг!

Энг баланд ҳайкал қайси?

Жумҳуриятимиздаги энг баланд ҳайкал деб мен Тошкентдаги В. И. Ленин номли майдонга ўрнатилган ҳайкални биламан. Мамлакатимиздаги энг баланд ҳайкал қайси ва қаерга ўрнатилган?

Шоназар АКРОМОВ,
Бухоро вилояти.

Мамлакатимизда ўрнатилган энг баланд ҳайкал — «Она-Ватан»дир. Қўлида қилич ушлаб турган аёл тасвири акс этиб турган бу ҳайкал Евгений Вучетич томонидан темир-бетондан ясалган бўлиб, у Волгоград яқинидаги Мамаев қўрғонида 1967 йилда қад кўтарган. Ҳайкалнинг баландлиги асосидан то ўнг қўлида ушлаб турилган қиличнинг учигача 82 метр 30 сантиметр.

Инсондан азизми?

Чилонзордаги кўпқаватли уйларда яшаймиз. Бизнинг уйдаги ва қўшни уйлардаги кўплаб оилаларда ҳар хил катта-кичик итлар боқадиган одамлар бор. Баъзан эса итларини турар жой кўприк хиёбонида сайр қилдирганда қаршимиздан чиқиб бизга ташланади. Шунда ҳар қандай одамнинг ҳам юраги «шиг» этиб кетади. Шу яхшими? Ахир уйда ит боқишнинг ўз қоидалари бор-ку. Ит инсондан азизми?

Ф. ОРИПОВ,
Чилонзор ноҳияси.

Йўқ! Ҳеч қачон бундай бўлиши мумкин эмас. Ҳаммамизнинг фикри ана шундай. Лекин аслида-чи...

Ҳозирги озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги тобора кучайиб бораётган бир вақтда уй ҳайвонлари, хусусан итларни кўп қаватли уйларда сақлаш мақсадга мувофиқмикан?

Ўзингиз бир ўйлаб кўринг. Тошкент шаҳар ҳайвонлар касалликларига қарши курашувчи станция врачи Иван Алексеевич Жименконинг таъкидлашича, ҳар йили улар кўригидан қарийб 60 мингга яқин итлар ўтаркан. Булар фақат кўрикдан ўтганларигина холос. Ўтмаганлари эса қанчадан-қанча.

Хўш, бу итнинг бир кунлик емиши қанча бўлишини биласизми? Албатта ҳисоблаб кўрмагансиз. Агар диққат-эътибор билан унга кетадиган харажатни ҳомчўт қилсангиз умуман ит асрашдан воз кечасиз.

Уй ҳайвонлари ичида энг садоқатли бўлган итга кетадиган бир кунлик харж Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасининг хизматдаги итларни сақлаш бирлашган кўриқхонасининг инспектор-кинологи Эркин Тилаховнинг айтишича, 70 тийиндан 1 сўмгача бўлар экан.

Итларнинг кунлик истеъмол қиладиган овқатланиш рўйхатига бир назар ташланг-а:

1. 600 грамм ёрма.
2. 400 грамм гўшт ёки 1 килограмм калла-поча.
3. 300 грамм сабзавот ва картошка.
4. 15 грамм туз.
5. 10 грамм мол ёғи.
6. 5 грамм суяк уни.
7. 3 грамм тоза бўр.

Бундан ташқари кўриқхонадаги итлар турли-туман витаминлар билан ҳам озиқлантирилар экан.

Ана энди ўзингиз ҳисоблаб кўринг. Тошкентдек шаҳримизда фақат итлар учун қанчадан-қанча озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилинишини, бунинг устига кўпқаватли уйларда турадиган кишилар итларини муттасил равишда ювинтириб турадилар. Хўш, уларга кетадиган сув сарфи-чи?

Агар шуларнинг ҳаммаси аниқ ҳисоб-китоб қилинса, ақли бутун ҳар бир киши ит боқишдан воз кечгани маъқул.

Ўйламай қадам ташланса...

СПИД ва тери-таносил касалликлари ҳақида билишни истардим.

Х. ҚОДИРОВА.

Пуштингнинг куйиб кетиши, бефарзандлик, турли-туман тери-таносил касалликлари, айниқса XX аср вабоси деб тилга олинаётган СПИД... Булар ҳақида гапириш у ёқда турсин, ҳаттоки тинглаш ҳам даҳшатли.

Жумҳуриятимизда захм касаллиги 1989 йили аввалги йиллардагига қараганда 28,6 фоизга камайди. Лекин шу билан биргаликда сўзак касаллигига ўргилганлар сони эса 10,5 фоизга кўпайди.

Касалликнинг келиб чиқиш сабаблари асосан ахлоқи бузуқ кишиларнинг пала-партиш турмуш кечириши ва бепарволиги кабилардир.

СПИД касаллигининг қанчалик даҳшатли эканини қанча такрор гапирмайлик, барибир кўпчилик асосан бунга бепарво қарайдилар. Ҳамон эрта оёқ олишни давом этмоқдалар.

Умуман жумҳуриятимизда СПИД касаллиги вирусини ташувчи 15 киши борлиги аниқланди. Ҳайриятки, уларнинг 11 нафари чет эл фуқароларидир. Асосан талабалар бўлган бу ёшлар ўз мамлакатларига зудлик билан жўнатиб юборилди.

Айни кунда ана шу касалликка қарши курашувчи жумҳурият маркази ташкил этилган. Марказ жамоаси мутахассислар ва чет эл аппаратлари билан таъминланган. Бу ердаги махсус хонасида ўзида ана шу касаллик аломатларини сезган кишилар ёки барча хоҳловчилар текширилиши мумкин. Марказга мурожаат қилган ҳар бир кишининг исм-шарифи қаттиқ сир тутилади.

Ҳозирги кунгача жумҳуриятимизда 3 миллиондан ортиқ киши текширувдан ўтказилди. Пойтахт Тошкентда ва вилоятларда 33 та СПИД касаллигини аниқловчи лаборатория фаол ишлаб турибди. Бирининг навбатда ҳам донор қонлари текширилади.

Жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирлигида ишловчи масъул ходимларнинг айтишларига қараганда касалликни олдини олиш мақсадида ...

Давоси борми?

Ёз келиши билан товоним ёрилиб кета бошлайди. Турли хил малҳамлар сурсам ҳам ҳеч қандай нафи бўлмайди. Врачга боришни эп кўрмаяпман. Бунинг давоси борми?

Р. ТУРСУНОВ.
Фарғона вилояти.

Айрим кишиларнинг товони териси ёз ойларида қалинлашади ва кўпинча у ёрилиб, анча қийнайди. Ана шундай ҳолларда ёрилган жойга инфекция тушиб, яллиғланиши мумкин.

Бунинг олдини олса бўлади. Ҳар куни ётишдан олдин оёқ яхшилаб ювилади ва ёғли «Люкс» ёки таркибида «А» витамини бўлган бошқа кремлар суртиб, то терига сингиб кетгунча ишқаланади.

Товон териси жуда қалинлашиб кетган бўлса, ҳафтада 1-2 марта иссиқ сувга ичимлик содаси ва новшадил спиртидан қўшиб оёқ ваннаси қабул қилиш керак. Бунда бир литр иссиқ сувга 1 ош қошиқ сода ва 1-2 қошиқда новшадил спирти солинади. Врач тавсияси билан товонга салицил малҳамидан қўйиб боғланса, унинг қадоққа ўхшаб дағаллашиб кетган жойи юмшайди. Бунинг учун оёқ аввал яхшилаб ювилади, кейин малҳамдан суртиб устидан ёғли қоғоз ёпилади ва эрталабгача бинт билан боғлаб қўйилади. Эрталаб бинтни ечиб, қолган малҳам артиб ташланади. Кечқурун эса, ванна қабул қилинади ва дағаллашган тери ўткир пичоқ билан кесиб олинади ёки пемза (жилвир тош)да ишқалаб ташланади.

Агар товон ёрилган бўлса, 3-4 ҳафта давомида илиқ сувли оёқ ваннаси қабул қилинади. Бунда бир литр сувга 1 чой қошиқ истеъмол содаси солинади. Ваннадан сўнг марганцовканинг оч рангли эритмаси билан ювилади.

Оёқ ваннаси қабул қилингач, 2-3 соатдан кейин товоннинг ёрилган жойларига синтомицин эмульсиясидан суртиб боғлаб қўйилади. Ҳар куни кечқурун шундай муолажа қилиб турилса, товоннинг ёрилган жойи одатда 7-10 кунда тузалиб кетади.

Косметологга мурожаат қилинг

Мен ҳозир 10-синфда ўқияпман. Бошимда 10-20 тача оқ соч бор. Агар бўятсам, соғлиғимга зарар қилмайдими? Оқ сочларни қирқиб ташласамчи? Яна кўпайиб кетмайдими?

Ҳамид АЗИЗОВ,
Фарғона вилояти, Ўзбекистон ноҳияси. Нурсух Оталиқ қишлоғи.

Киши маълум ёшга боргандан кейин сочининг ранги ўзгара бошлайди. 35-40 ёшда аста-секин физиологик ҳолатда соч оқариши бошланади. Лекин эрта соч оқариши баъзан ёш йигит-қизларда учраб туради. Бу ҳол асаб системасининг ёки ички секреция безларининг касаллиги туфайли юз бериши, ирсият ва насл сурилиши туфайли бўлиши мумкин. Бундан ташқари эндокрин безларининг турли касалликлари, баъзан ички касалликлар, сурункали чўзилиши, қайғуриш ёки ҳеч қандай сабабсиз ҳам соч оқариши мумкин. Соч, асосан, соч ичидаги пиёзчасидаги сочга ранг бериб турадиган пигментнинг камайиши ёки йўқолиб кетиши оқаради. Шунинг учун соч барвақт оқарганда шифокор косметологга мурожаат қилиш керак. Соч бўёқлари зарарсиз. Бўяшни хоҳласангиз сочларни хоҳлаган рангга бўяб юришингиз мумкин.

Хорижадан хабарлар

Иқтисод ва ҳаёт

«Гангитувчи терапия» керакми?

ШВЕД ИҚТИСОДЧИСИНИНГ МУАММОЛАРИМИЗ ҲАҚИДАГИ ФИКРИ.

«Правда» мухбири билан Совет Иттифоқи ва Шарқий Оврўпа мамлакатлари иқтисодиётини ўрганувчи Стокгольм институти директори Андерс Ослунд суҳбатлашди. У узоқ йиллардан буён Совет иқтисодиётини ўрганади, бир неча йил Швециянинг Москвадаги элчихонасида ишлаган. А. Ослунднинг «Горбачевнинг иқтисодий ислоҳот учун кураши» деб номланган китоби кўпгина мамлакатларда ноёб асар сифатида бир зумда тарқатилган.

— Доктор Ослунд, биринчи саволимиз анъанавий: СССРдаги иқтисодий вазиятни қандай баҳолайсиз?

— Лўнда қилиб айтадиган бўлсам, ҳозир аҳвол ниҳоятда оғир. Расмий маълумотларга қараганда ўтган йили миллий даромад, 2,4 фоизга ошган. Бу ҳисоботдаги кўтаринки руҳ ҳаддан зиёд ошириб юборилган, — негаки унда «оддийгина бир нарса» — инфляция ҳисобга олинмаган. Бошқа кўрсаткичлар ҳам қувончли эмас: электр энергияси ишлаб чиқариш — 0,6; пўлат — 1,8; нақлиётда маҳсулот ташиш ҳажми — 2,2 фоизга камайган. Шуни таъкидламоқчиман-ки, ошкоралик бўлишига қарамай кейинги пайтда сизлар ҳисоботларни чоп этишни камайтирдинглар. Шундай бўлсада барча кўрсаткичлардан маълум бўлдики, ўтган йили иқтисодий вазият квартал ма квартал ёмонлашиб борган. Икир-чикирларга тўхтаб ўтирмай бир нарсани айтишим мумкин: бизнинг фикримизча 1988 йили СССРда миллий даромад 4-5 фоизга камайган, инфляция эса 7-8 фоизни ташкил этди.

— Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

— Иқтисодий ислоҳотнинг чалакам-чаттилигида, уларни амалга оширишдаги сусткашликда. Ҳозир сизнинг мамлакатингизда бўлаётган воқеалар менга 80-йиллар бошидаги Польшадаги вазиятни эслатади. Уч йиллик кутиш ва судралиш бу мамлакат халқ хўжалиги учун жуда қимматга тушди — миллий даромад 22 фоизга камайиб кетди. Қайси томондан қараманг, Польшада бўлганларни биргина «ҳалокат» сўзи билан ифодалаш мумкин. Таассуфки, агар раҳбарларингиз ниҳоят чала чоралар вақти ўтганини ва бозорга ўтиш ҳамда тақчилликни тугатиш учун, яъни талаб ва имкониятни тенглаштириш учун кескин тадбирлар кўриш пайти келганини тушуниб етмаса, совет иқтисодиёти ҳам бу фожиани бошидан кечириши муқаррардир.

— Сиз нархларни ошириш ҳақида гапиряпсизми?

— Айнан шу, чакана нархларни камида 30-40 фоизга ошириш тўғрисида.

— Бундай тадбирга аҳолининг қандай жавоб қайтаришини тасаввур қилаяпман!

— Одамларга тушунтириш керак: ё нархни ошириб иқтисодиётдаги вазиятни аста-секин барқарорлаштириш мумкин ёки аста секин ҳали тушингизга ҳам кирмаган таназзулга юз тутиш мумкин. Тушунинг, СССРда иқтисодий парокандалик бошланди. Мақсад сари аста секин, майда қадамлар билан бориш бир қарашда фойдалидек кўринади, лекин амалда самарасиз қолаверади. Мен ёмон башоратчи бўлиб қолишни истардим, аммо фикримча иқтисодий ислоҳот жойидан қўзғалмайдиган бўлса, яқин икки йил ичида миллий даромадингиз қарийб йигирма фоизга камаяди.

— Ҳа, бу ерда нимани ҳам тушунтириш мумкин... Биз нархни оширмасликнинг иложи йўқлигини, бусиз том маънодаги чуқур ислоҳот ўтказиб бўлмаслиги ҳақида кўп эшитдик. Бироқ балки аввал тақчил маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириб талаб ва эҳтиёжни қондирмоқ яхши эмасми?

— Албатта яхши. Аммо нархни ўзгартирмай туриб Сиз буни қандай амалга оширмоқчисиз? Ғарбдаги иқтисодиёт фанида ҳозирча бошқа йўл ўйлаб топилмаган.

— Ўзим ҳам шундай жавоб берсангиз керак деб ўйлагандим. Бундан ташқари ватандошимиз В. Новожилов йигирманчи йилларнинг охиридаёқ тақчилликнинг сабаби ишлаб чиқариш эмас, балки тақсимлаш эканлигини исботлаб берганди. Қачонки нарх талаб ва эҳтиёжни мувофиқлаштириб турувчи вазифасини бажармай қўйса ўшанда етишмовчилик бошланади.

— Ҳозир ҳам шундай бўлмоқда, тўғрими? Ишонтириб айтаманки, Сизлар ҳеч қачон ишлаб чиқариш босиб чиқарилган пулни маҳсулот билан тўлиқ таъминланган кунни кўролмайсизлар.

— Шундай бўлса-да нархни кўтариш билангина вазиятни ўнглаб бўлмайди.

— Ҳа, бу дастлабки қадам бўлади холос. Ундан сўнг молиявий сиёсатни ўзгартириш, хусусий мулкчилар қатламини вужудга келтириш лозим. «Хусусий мулкчилик» деган сўзлар билан мамлакатингизда жуда кўпчиликни қўрқитиб юбориш мумкин. Келинг, яхшиси уларни «соҳиблар» деб атайлик. Бу сўз унчалик қўрқинчли эмас-а? Ахир СССРда узоқ йиллар фуқароларда соҳиблик туйғусини тарбиялашга интилишдику. Ишонтириб айтаманки, «соҳиб» мулкка эга бўлган заҳоти бу туйғу унда пайдо бўлади. Умуман олганда мен сиздан сўрамоқчи эдим: СССР ҳақиқатан ҳам маъмурий буйруқбозлик иқтисодиётидан бозор иқтисодиётига ўтмоқчими?

— Бир қарашда биз фақат шу иш билан шуғулланаётгандаймиз. Ҳар ҳолда 1987 йилда иқтисодий ислоҳот эълон қилинганди.

— Эълон қилиш эмас, ишлаш керак, ишлаш! Ҳеч бўлмаганда Польшадаги сингари. Бу ерда кейинги ўн йилликлардаги энг катта ва диққатга сазовор иқтисодий тажриба ўтказилмоқда.

— Айрим рақамлар ҳақиқатан ҳам диққатга сазовор. 1988 йилнинг декабридан 1989 йилнинг декабригача озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи 978 фоизга, ноозиқ-овқат маҳсулотлари — 630, хизмат кўрсатиш — 541 фоизга ошган. Ишлаб чиқаришнинг камайиши хавфи бартараф этилмаган...

— Кесатиғингизни тушундим. Мен яна бир рақамни келтиришим мумкин — юқорида айтганларингиздан ташқари 55 минг ишсиз ҳам бор. Яна шуни айтишим мумкинки, ҳеч ким бозор иқтисодиётига ўтиш осон ва енгилгина бўлади деяётгани йўқ. Асло! Сизнинг мамлакатингизни ҳам қийинчиликлар кутмоқда. Буни истасангиз жарроҳлик аралашуви ёки аччиқ, аммо зарур дори ёҳуд гангитувчи терапия деб аташингиз мумкин. Бироқ академик Абалкин ҳаракатномасида белгиланганидек, 1993 йилгача кутиб бўлмайди.

— Маълумки, ҳукуматимиз, шу жумладан Леонид Иванович Абалкин ҳам, Польша иқтисодиётидаги ўзгаришларни диққат билан кузатишмоқда. Бир гуруҳ мутахассислар у ерда бўлиб Бальцерович (Л. Бальцерович—молия вазири, бош вазир Тадеуш Мозовецкийнинг муовини — таҳририят изоҳи) ислоҳоти қандай амалга оширилаётганини ўрганди. Афтидан уларни бекорга «бозор сари катта сакраш» деб аташмаса керак!

— Мутлақо тўғри. Ҳозирданоқ Польшада нархнинг узлуксиз ошиши тўхтамоқда. Ислоҳотнинг оғир ижтимоий оқибатларини бироз бўлса-да енгиллатиш тўғрисида қисқача гапирмоқчи эдим. Мамлакатингиздаги ўнлаб миллион одамларнинг турмуш даражаси шу қадар пастки, улар нархларнинг ошишини кўтара олишмайди. Даромади чекланган кишилар — талабалар, қариялар, ногиронларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва қўшимча нафақа ажратиш зарур. Венгрияда шундай қилишди. Ишсизлик ҳақидаги гап муштарийларни чўчитиб юбормайдими?

— Биз аста-секин бундан қочиб қутулолмаслигимизни англаяпмиз. Ҳеч бўлмаса вақтинчалик, самарасиз ишлаётган корхоналар ёпилганда шундай бўлса керак, деб ўйлаймиз. Ўзингиз қатнашган «Совет Иттифоқи жаҳон иқтисодиётида» халқаро конференциясида нутқ сўзлаган академик Аганбегяннинг сўзлари эсингиздами! Ахир у ҳам бозорга ўтишда ишсизлик бўлиши муқаррарлигини тан олганди-ку...

— Ҳа, эсимда. Ундан сўнг сўзга чиққан Давлат режа қўмитаси раисининг биринчи муовини Леонард Вид ҳам буни инкор этмаганди. Қизиқ, нималар деяпмиз ўзи? Ҳозирнинг ўзидаёқ СССРда миллионлаб ишсизлар борку! Улар давлатдан сариқ чақа ҳам олишмайди. Иқтисодиёт бир маромда ишлаб турганида улар ҳеч бўлмаганда нафақа олишлари мумкин эди.

Умуман олганда ўзингиз бунёд этган саробий оламдан иқтисодий қонуниятларга асосланган дунёга қайтсангизлар қатор афзалликларга эришасизлар. Сўм конверцияланадиган бўлади, акциялари одамлар қўлида бўлган акционерлик компаниялари пайдо бўлади, коммерция банклари ва ҳоказолар ташкил топади.

— Ҳар ҳолда Польша тажрибасини буткул кўчириш мамлакатимиз учун тўғри келмаса керак. Уларнинг ўзлари «гангитувчи терапия»ни қабул қилишдан олдин бир неча йил иккиланиб юришганди. Ваҳоланки поляк жамиятининг ижтимоий таркиби ҳам бошқача эди, уларда хусусий қишлоқ хўжалиги бор эди. Бизнинг шароитимизда ҳукуматнинг бунга журъат этиши мушкул. Жиддий ижтимоий зиддиятлар юз бериши мумкин.

— Бу ёғи энди соф сиёсат соҳаси, тўғрироғи, ҳукумат сиёсатига ишонч масаласи. Мисол сифатида яна Польшани келтираман. Халқ қанчалик қийналаётган бўлишига қарамай, социологик тадқиқотлар натижалари унда қатнашганларнинг 85 фоизи Мазовецкийни қўллаб-қувватлашини кўрсатган.

Агарда сизнинг ҳукуматингиз иккиланаётган бўлса, Президент Горбачев дадил бўлиши керак. Ўйлашимча бунга унинг ваколати етарли.

— Ҳа, у янги вазифага сайланганидан сўнг сўзлаган биринчи нутқида ислоҳотни кескин жадаллаштириш тўғрисида гапирганди...

— Ҳаммаси айтилганидек бўлишини истардим. Бу машаққатли йўлда Сизларга муваффақият тилайман, холос.

Ал. СТЕПАНОВ.

(«Правда» рўзномасининг 1990 йил 5 апрель сонидан).



Бола кимники бўлишидан ёки қайси миллат, қайси ирққа мансублигидан қатъи назар — инсон фарзанди. Болаларнинг бегонаси бўлмайди. Аммо... бахтли ва бахтсиз болалик бор. Оч-юпун ва тўқ, буст-бутун болалар бор. Бахтиёрлик учун энг зарури — тинчлик.

Суратдаги камбоджалик мана бу қизалоқларга қараб беихтиёр кўз тегмасин деб юборасиз.

О. СИЗОВ сурати. (ТАСС).

ПОЛЬШАДА ИШСИЗЛАР КЎПАЙМОҚДА

ВАРШАВА. ТАСС мухбири Валентин Волков хабар қилади: Польшадаги олий ўқув юртлари ва ўрта мактабларнинг 340 минг битирувчисидан ярмидан кўпроғи бу йил ишсизлар сафини тўлдиради. Меҳнат ва ижтимоий сиёсат вазирлигининг фикрига қараганда, корхоналар фақат қарийб 160 минг йигит ва қизни ишга қабул қилиши мумкин. Бу, ҳукумат иқтисодий дастури доирасида ишлаб чиқаришни ихчамлаштириш ва зарар кўриб ишлайдиган корхоналарни ёпиш натижасида мамлакатда вужудга келган иш билан бандлик муаммосининг нақадар ўткирлигидан далолат беради.

Министрликнинг ҳатто жуда эҳтиёткорлик билан қилган тахминларига кўра олий ўқув юртларининг 38 минг битирувчисидан фақат 22 минг нафари ўз ихтисоси бўйича иш топа олади.

Польшада рўйхатга олинган жами ишсизлар қарийб 400 минг кишини ташкил этади. Корхоналар ва фирмаларнинг хонавайрон бўлиши натижасида бу рақам муттасил ошиб бораверади. Марказий режалаштириш бошқармасининг тахминларига кўра, йил охирига бориб иш қидириб юрганлар жами 1,3 миллион кишига етиши мумкин. Бу, иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг тахминан 10 фоизига тенгдир.

Ранг-баранг олам

ПАРАШЮТ СОВҒА ҚИЛИШДИ

◉ КЕЙПТАУНЛИК (Жанубий Африка) Жеан Фогхилнинг набираси Кэролл бувисининг туғилган кунига, яъни 70 ёшга тўлиши муносабати билан парашют совға қилди. Чунки парашютни кампирнинг ўзи сўраганди. У ўзининг муборак тўйида умрида биринчи марта парашютда сакрамоқчи эди ва қариндош-уруғларининг қаршилик кўрсатишига қарамай, ўзининг узоқ йиллик орзусини амалга оширди.

Фогхил парашютда сакраш бўйича моҳир спортчи назорати остида уч минг метр баландликдан бемалол сакради. Ерга тушгандан сўнг томошабинларнинг «жасоратингизни яна қайтара оласизми?» деган саволига «сўзсиз», деб жавоб берди.

ЯНГИ КАСБ

◉ СЕУЛ метросида янги касб жорий этилди. Бу вазифани бажариш учун диплом талаб қилинмайди.

Ушбу касб бўйича ишга қабул қилинганларнинг вазифаси шундан иборатки, улар бекатдаги одамларни тўлиб кетган вагонларга итариб киргизишади ва вагон эшикларининг тезроқ ёпилишига ёрдам беришади. Шу йўсин поездларнинг ўз маромида қатнашига имконият яратишади.

Ҳозирча бу ишга 132 талаба жалб қилинган. Улар йигирмадан ортиқ тиқилинч бекатларда иш олиб боришади.

Булғориянинг «Параллели» жаридасида ёзишларича, уларнинг иш куни атиги 3 соат, лекин жуда катта куч сарфлашга тўғри келади.

ТОМ КЕЙСИНИНГ САЁҲАТИ

◉ АМЕРИКАЛИК учувчи ва бизнесчи Том Кейси дунёда биринчи бўлиб, гидротайёрада саёҳатга отланди. У ўзининг «Либерти—2» деб номланган қизил, оқ-кўк рангли гидротайёрасида Вашингтон кўлидан кўтарилиб, саёҳатини бошлаган. Кейси 60 кун давомида 42 минг километр масофани босиб, Сиэтлда яхши ният ўйинлари очиладиган кун — 21 июлда саёҳатини якунламоқчи. Қизиғи шундаки, тайёра фақат сув устига, яъни катта-катта кўллар устига қўнади холос.

Кейси гидротайёрасида Аляска, Гренландия, Англия, Скандинавия ва Совет Иттифоқи устидан учиб ўтишни режалаштирган.

Ранг-баранг олам

XX АСР КУНДАЛИГИ

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА



Сайди УМИРОВ,

ТошДУ журналистика факультети декани муовини.

СУХАНДОНЛИКДАН — ИШБИЛАРМОНЛИККА

БАЙРАМЛАР, муҳим саналарни муносиб нишонлашнинг энг муносиб йўли ҳал этилмаган муаммоларга диққат-эътиборни қаратиш эканлигини аста-секин англаб етаётганга ўхшаймиз. Бу — яхшилик аломати, сарҳушликдан ҳушёрлик, сухандонликдан ишбилармонлик, ишқилармонлик сари қўйилаётган қадамлар.

Апрель, май ойларида бирин-кетин келган қутлуғ айёмларнинг кейингиси — фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 45 йиллиги бўлди. Бу улуғ байрам кунлари жумҳуриятимизда ҳамду-сано, баландпарвоз гаплар одатдагидан камроқ янгради. Улуғ Ватан уруши ногиронларига, қатнашчиларига, байналмилалчи жангчиларга ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида Президентимиз фармони ҳар қандай чиройли сўз, ялтироқ гапнинг ўрнини босадиган амалий иш бўлди.

Майнинг бошларида кўп болали оилалар учун ҳар ойда бериладиган нафақа икки баравар ошганлиги, яқинда эса аҳоли шахсий хўжалигидаги моллар ва паррандаларни ем-хашак билан таъминлаш ҳамда чорвачилик маҳсулотини кўпайтириш тўғрисида Президент фармонлари чиқди. Бу уч қарор, ҳеч шубҳасиз, дов ва мардона қарорлар, мустақил, дадил қадамлар бўлди. Жумҳурият раҳбарияти манфаатдор аҳолининг айни дилидаги ишни қилди, халқ кўзига тик қарайдиган бўлди. Бунга имконият, маблағ қидирилди, топилди.

Бемурувват кўрмасин давлат юзун,
Беҳамият соҳиби тож ўлмасун.

— Хўп билиб айтган экан-да озарнинг машҳур ҳақгўй шоири Имомиддин Насимий. Ёзилган пайти қандай долзарб бўлса, бизнинг замонда ҳам шундай долзарб, — дейди адабиётшунос, публицист ҳамкасбим Шариф Юсупов. Шохназмнинг шох байти. Унвони тикланганидан кўнгли тоғ, етти иқлимга донғи кетган ҳофиз дўстим Фахриддин Умаров жўшиб куйлайдиган назм.

Журналистика бўшашмас муҳаббату садоқат, саботу фидойилик, жасорату маҳорат, холислик ва диёнат, кенг, теран билим, кўп изланиш, кезиш, кўриш, мулоқот, ўқиш, уқиш, фикрлаш ёзишни бирга қўшиб олиб бориш ўзлигини бус-бутун бахшида этиш демакдир. Бу касб, тўғрироғи, ҳунарга ишқи тушган одам, умри бошқа касб соҳиблари умридан қисқа бўлишидан ҳам чўчимайди. Бошқалардан кам маош олиши ҳам ниятидан қайтаролмайди. Шундай. Яқинда чинозлик журналист О. Мамиров бир мақоласида нега ,фирқа, шўро аппарати ходимлари маоши икки баравар ошди-ю, журналистларники эса бор йўғи 40 фоизга, деб ёзди. Тўғри-да, алам қиладиган ҳол. Аппаратчилар кўп жиҳатдан журналистларга боғлиқлиги, уларсиз иши битмаслиги маълум.

Матбуот куни Иттифоқнинг энг яхши журналистик асарларига СССР журналистлар уюшмасининг мукофоти берилди. Учта, жумладан «Кўланка» («Затмение») очерки учун «Огонёк» журнали мухбири А. Э. Головков ҳам мукофотга муносиб кўрилгани жумҳуриятимиз жамоатчилигини ажаблантирди, норозилик уйғотди. (Ҳайриятки, «Известия» газетаси мухбири В. Б. Ардаевнинг «Фарғона водийсидаги фожиали воқеалар ҳақидаги оператив репортажлар туркуми» тақдирланмапти. «Журналистские новости»да берилган даъвогарлар рўйхатида унинг ҳам номи бор эди). Сувни тинчитиш ўрнига лойқатаётган, воқеаларни шоша-пиша бир томонлама, нохолис ёритган, хаёлига келган ваҳимали ташбеҳларни ўйламай-нетмай ишлатиб, халқимиз шаънига маломатлар ёғдирган, кескин норозилик, митингларга сабаб бўлган Головков, Ардаев, Астафьев сингари марказий матбуот мухбирлари, ўзимизнинг айрим калтабин, ғаразгўй қаламкашлар эканлиги сир эмас-ку. Қолаверса, айрим ҳарбий қисмларда ўзбек йигитларига ёмон кўз билан қараш, уруш-жанжаллар, ҳатто қотилликлар жамоатчилик фикрини нотўғри шакллантирган ана шундай ғирром мақолаларга кўп жиҳатдан боғлиқ. Нодон бузганини доно тузатади, деган гап бор. Яхшиямки, «Ой бориб, омон қайтмаган болам» сингари дадил, ҳаққоний, ўткир мақолалар пайдо бўлди. Жумҳуриятимиз йигитлари Туркистон ҳарбий мавзесидаги қурилиш қисмларида хизмат қиладиган бўлишдики, бу — кўпчиликнинг якдил саъйи-ҳаракати самарасидир.

БАЙРАМ КУНЛАРИ тағин бир кўнгилсиз ҳол юз берди. Бу — Андижон воқеаси, ҳақиқий айбдорларни аниқлаш, жазолаш керак, албатта. Лекин масаланинг илдизи анча чуқур кўринади. Ишқилиб, ҳозирча гапни олиб қочар, ёзиб қочар марказдаги ва ўзимиздаги айрим журналистларга инсоф берсин. Комиссия масаланинг тубига етади, ҳақиқатни маълум қилади деган умиддамиз. Халқ Паркент воқеаси, Андижон воқеаси ҳақида тўла ҳақиқатни кутиб турибди.


Ва ниҳоят ҳаётимизда рўй берган энг муҳим воқеа Ўзбекистон Компартиясининг XXIII съездидир. Жумҳуриятимиз коммунистлари ўз анжуманларида Ўзбекистонда юзага келган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий вазиятни атрофлича, чуқур таҳлил этишди, аҳолининг турмуш даражасини, маданиятини, сиёсий онгини ошириш йўлидаги қийинчилик ва тўсиқларни бартараф этиш йўлларини белгилаб олишди.

Шуниси ачинарлики, ана шундай нуфузли анжуман минбаридан туриб, ўз айби ва хатосига иқрор бўлиш ўрнига одамларни чалғитишга уриниш ҳам бўлди. Бунга Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони И. В. Фуженконинг нутқи яққол мисолдир. Ҳурматли қўмондонимиз: «Айрим мақолаларнинг, хусусан, комсомол газеталаридаги ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасидаги мақолалар муаллифларининг армиядаги иллатларни пеш қилиб, жамиятда армия хизматига барқарор салбий муносабатни тарқатиш йўлидаги уринишлари жумҳурият аҳолисининг кўпгина қатламлари орасида қоралanди, жангчиларнинг сафларида эса ғазаб ва нафрат уйғотмоқда», деди. Генералнинг аҳолининг қайси қатламлари ва қайси жангчилар тўғрисида гапирганини билмадим-ку, аммо комсомол газеталари деганда «Ёш ленинчи»ни эътиборда тутганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Шу боис мен у кишига маълум қилмоқчийдим: «Ёш ленинчи»да (шу жумладан, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида) чиққан армия тўғрисидаги барча мақолалар Ўзбекистон халқининг барча қатламлари томонидан қўллаб-қувватланган. Бунга таҳририятга келган хатлар ҳам «жонли» гувоҳдир. Бундан ташқари, қўмондоннинг нутқидаги яна бир жой бизни ажаблантирди: у киши хизматдан бўйин товлаганлар ва армиядан қочиб келганлар тўғрисида гапириб, айрим рақамларни келтирган. Аммо генерал нима учун армиядан ўтган йили ва шу йилнинг биринчи ярмида ҳалок бўлиб қайтган ўзбек ўғлонлари тўғрисида лом-мим демади? Ошкоралик бўлгач, охиригача бўлсин-да ҳурматли қўмондон!


Икки оғиз сўз Булунғур ноҳиясидаги Гагарин номли давлат хўжалигининг биринчи бригадаси ҳақида. Учинчи бўлимга қарашли бу жамоа ерларида деҳқончилик сероб. 6 гектар майдонда патинжон, 2 гектар эртаги карам, шунча ерда саримсоқ пиёз етиштириляпти.

Токзор ва ғалладан ташқари 6 гектар ерга картошка ҳам ундиришган. Бу ишларда О. Норматов бош-қош.

Т. Давлатов олган суратда эса С. Тошмуродов ва Б. Маматқуловаларнинг карам йиғиш лаҳзалари акс этган.



МАМЛАКАТИМИЗДА



Ислом УСМОНОВ,

«Ёш ленинчи» рўзномасининг бўлим мудири.

САБРНИНГ ТАГИ ОЛТИНМИ?

ХАЛҚИМИЗГА қойил қолмасдан илож йўқ. Ер юзи аҳолиси ўртасида Совет Иттифоқи меҳнаткашлари каби сабр-тоқатли, келажакка умид кўзи билан қарашга ўрганиб қолганлар кам топилса керак, десам хато бўлмас. Чунки менинг ўзим ҳам шу жамиятнинг аъзоси сифатида эртанги кун умиди билан яшашга интиляпман.

Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсак, мана беш йилдирки, бутун мамлакатимиз бўйлаб бир шарпа — қайта қуриш кезиб юрибди. Афсуски, уни тутиш, истаган томонга буриш мумкин эмас. Шунча йиллар биз тоқат қилиб келган иқтисодиётимизнинг инқирозга учраганлигини покланиш боис англаб етдик. Бошқалардан анча ёмон яшаётганимиз илк бор тан олинди. Муомаладаги пулимизнинг кун сайин қадрсизланаётгани ҳеч кимга сир бўлмай қолди.

Бунинг устига янги бозор иқтисодиётига ўтиш ҳақида СССР ҳукуматининг таклифи оловга мой сепгандек таъсир кўрсатди, десак муболаға бўлмас. СССР Олий Шўросининг сессияси минбаридан туриб айтилган янгиликни эшитган ҳар бир оила аъзоси эртанги кунга бирон нимани эҳтиёт қилиб қўйиш ташвишига тушишди. Савдо тармоқларидаги аслида тақчил бўлган озиқ-овқат моллари қуриб қолди. Умуман ҳақиқий аҳволни билмай туриб, кўр-кўрона ҳаракат ҳам бутун аҳолини жунбушга келтириши турган гап. Бозор иқтисодига ўтиш муносабати билан айрим истеъмол маҳсулотларининг қимматлашиши энг аввало кимга зарар? Дастлаб қўл учида кун кечираётган кам даромадли оилалар жабр тортади. Яна айтадиган бўлсак, маошга кўз тиккан зиёлилар ҳам нарх-навонинг ошишидан ҳаловатни йўқотишади. Уларнинг иш ҳақига у ёки бу қўшимча қўшилиши билан ҳеч нимани ўзгартириб бўлмаслиги аниқ.

Ҳаётимизнинг янгиланиш поғонасидаги турли хил йиғилишларга қизиқиш кучли эди. Барчанинг қулоғи динг бўлиб, ким қандай янги гап айтаркин, деган ўйда бўларди. Кунлик рўзномалар тез фурсатда тарқалиб кетарди. Эндичи, ростини айтадиган бўлсак, негадир ватандошларимиз мана бир неча ойдан бери бирор тўхтамга келмаётган СССР Олий Шўроси йиғилишида кўрилаётган масалаларга эътиборни йўқотишган. Ундан кўра кўпроқ РСФСР халқ депутатларининг I съездига бўлган қизиқиш кучли. Фақат Россия Федерациясидагина эмас, балки Иттифоқимиздаги бошқа ҳудудларнинг аҳолиси ҳам Б. Н. Ельциннинг РСФСР Олий Шўросининг Раиси этиб сайланишини яна бир воқеа сифатида кутиб олишди. Ўтган шанба куни унинг Марказий ойнаи жаҳон ходими билан бўлган суҳбатини ҳам кўпчилик эътибор билан кузатди. Борис Николаевич қайта-қайта мурожаат этиб, унга икки йил, узоғи билан уч йил вақт берилишини, у бўлса шу даврда инқирозга юз тутаётган Россиянинг қаддини тиклашга ваъда берганининг гувоҳи бўлдик. Хўш, унинг сўзларига ишонса бўладими ёки бу ҳам кўп бор эшитган одатдаги ваъдалардан бири эмасми, деган фикрга бориш ҳам мумкин.

Қозоғистон коммунистларининг навбатдаги анжумани ҳам фақат жумҳуриятда эмас, балки ундан ташқарида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Тўғри, уни Марказий ойнаи жаҳон орқали кенг ёритилмагани боис биз тўла тасаввур ҳосил қила олмадик. Съезд якунлари шуни кўрсатдики, қўшни жумҳурият коммунистлари ҳар қалай ўз анжуманларида анча фаол бўлишган. Уларнинг қозоқ халқининг яқин келажакдаги тақдирини белгилаш борасидаги фикрлари ибрат оларлидир. Айниқса Семипалатинскдаги ядро қуролларини синаш ер ости полигонини ёпиш ҳақидаги таклиф ҳам шу куннинг муҳим воқеаси бўлди. Яна бир нарса: Қозоғистон КП МКнинг Сиёсий бюроси тузилди. Бу ҳам жумҳуриятнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллик йўлидан дадил бораётганининг ёрқин далилидир.

Бизни Болтиқбўйи жумҳуриятларидаги аҳвол ҳамон безовта қилиб турибди. Тўғри, мустақиллик сари қадам ташлаётган уч жумҳурият ҳали ҳам кўпгина тадбирларни амалга оширмоқда. Аммо айрим қўллардаги Иттифоқимизга зид тушадиган ва бутунлай ажралган ҳолда алоҳида давлат тузиш борасидаги фикрлар, албатта, ўрганмаганимиз туфайли биз учун ғайритабиий туюляпти.

Азалдан Ўрта Осиё халқлари бир-бирлари билан қон-қардош бўлиб яшаб келишган. Ҳаммамизга маълумки, бу ўлкани инқилобдан олдин ва ундан кейинги дастлабки йилларда Туркистон деб аташган. Худди ана шу ўлкада ўзбеклар, қозоқлар, тожиклар, қирғизлар ва бошқа миллат фарзандлари оға-инидек бўлиб туришган. Уларнинг азалий дўстлигига ҳеч ким раҳна сололмаган. 1924 йилги миллий чегараланиш ва бир қатор жумҳуриятларнинг тузилиши боис тан оладиган бўлсак, истамаган ҳолда бир-биримиздан узоқлашдик. Бир-биримиздан мол ажратадиган, ер устида гап чиқарадиган бўлдик. Охир-оқибатда ўзлигимизни йўқотишимизга бир поғона қолди. Худди шу узилиш ҳам миллий низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмаяптими?

Бундан бир неча кун муқаддам Ўш ва унга яқин бўлган бир неча ноҳияларда юз берган низолар дилларни ҳуфтон қилди. Қон-қардош бўлиб кетган ўзбек ва қирғизларнинг бир-бирига хезланиб туриши ҳеч ақлга тўғри келмайди. Назаримизда ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўз йўлига ташлаб қўйилиши, бир миллатни бошқа халқдан устун қўйилиши ҳам хунук оқибатларга олиб келган. Энг аввало, маҳаллий ҳокимият раҳбарлари адолатли қарорлар қабул қилишлари ва уларнинг оқилона бажарилишини таъминлашлари керак эди.


Афсуски, ундай бўлмади, тартибсизликлар боис қурбонлар берилди. Ўша ҳудудда яшаётган минглаб тинч аҳоли безовта. Ўш вилоятига қўшни бўлган Андижонда ҳам ҳис-ҳаяжонга эрк берилмоқда. Хўш, бунинг оқибати нимага олиб келади? Миллий низоларнинг кулфати шуки, ундан оддий халқ жабр тортади. Ҳеч ким Арманистон билан Озарбайжон ўлкасидаги кўнгилхиралликнинг юртимизда такрорланишини истамайди.

САБРНИНГ ТАГИ ОЛТИН, деган иборани кўп ишлатамиз. Ёки сабр қилсанг, ғўрадан ҳолва пишар, деймиз. Хўш, ҳақиқатан ҳам сабр-тоқат қилишнинг чеки борми? Биз қачон яхши яшаб, кўнглимиз истаган ишни бажаришимиз ва бозор ёки савдо тармоқларига чиқиб зарур маҳсулотни харид қилиш имконига эга бўламиз? Билмадим. Жамики орзу-ҳавасларимиз ҳозирча қоғозда қолиб кетмоқда. Бизни эса бугун ҳам, эртага ҳам, сабр қилишга ва яхши кунлар албатта келишига умид боғлашга ундашмоқда.

Ленинград «ойнаи жаҳоннамо»си ижодий жамоаси яратаётган юксак бадиий савиядаги публицистик кўрсатувлар фақат Ленинград вилоятидагина эмас, балки Иттифоқимизда ҳам ўзининг минглаб мухлисларига эга. Томошабинлар айниқса «600 сония», «Бешинчи ғилдирак», «Телекурьер» кўрсатувларини юксак баҳолашади. Улар ҳаётимиз демократик қайта қуриш жараёнларининг мураккаблиги ҳақидаги хабарларга жуда бойлиги билан ажралиб туради.

СУРАТДА: тележурналист Светлана Сорокина Суворов ҳарбий билим юрти музейидан кўрсатув тайёрлаётир.

М. БЛОХИН суратга олган.
(ТАСС суратлавҳаси).



ХОРИЖДА



Фаррух РАҲИМ,

сиёсий шарҳловчи.

ДУНЁ ЎЗГАРМОҚДА

ИНСОНИЯТ ҳаёти шу қадар тезкор, воқеаларга шу қадар бойки, гапнинг очиғи ҳар сафар «Хорижда» ойнасўзи остида бериладиган мақолада қайси воқеани ёритсам экан, энг муҳими, энг диққатга сазовори қайси бири экан, деб ўйланиб қоладикиши. Бироқ бу сафар ундай бўлмади: СССР Президентининг Канада ва Америка Қўшма Штатларига қилган расмий сафари дунё воқеалари ичида энг муҳими менман дегандек яққол ажралиб турибди. Бу бежиз эмас, албатта, негаки икки буюк давлат — СССР ва АҚШ раҳбарларининг ҳар бир учрашуви инсоният тарихида сезиларли из қолдирган.

Умуман олганда, мана, беш йилдирки АҚШ ва Совет Иттифоқи давлат бошлиқларининг олий даражадаги мулоқотлари анъана бўлиб қолди: Женева, Рейкьявик, Вашингтон, Москва, Нью-Йорк, Мальта қирғоқлари ва яна Вашингтон. Ана шу учрашувларнинг ҳар бири икки буюк давлат ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланишига, ўзаро ишончнинг, ер юзида хавфсизлик ва тинчликнинг мустаҳкамланишига катта ҳисса қўшди.

Дастлабки икки учрашувда М. С. Горбачев ва Р. Рейган бир-бирлари билан яқиндан танишиб, тушунишга эришишганди. Уларнинг учинчи бор юз кўришишлари эса 1987 йили Вашингтонда ўртача ва қисқа масофаларга учувчи ракеталарни йўқ қилиш тўғрисидаги Шартномани имзолаш билан якунланди. Орадан бир йил ўтгач КПСС Марказий Қўмитасининг Бош котиби Нью-Йоркда бир йўла АҚШнинг икки президенти — ҳали ўз ваколатини топшириб улгурмаган Р. Рейган ва янги сайланган, аммо ҳали ўз вазифасини бажаришга киришмаган Ж. Буш билан мулоқотда бўлди. Мальта қирғоқларидаги навбатдаги учрашувда эса икки давлат бошлиқлари қирқ йилдан кўпроқ вақт давомида инсониятни хавотирда ва ташвишда яшашга мажбур этган «совуқ уруш»га хотима ясашди.

Хўш, СССР ва АҚШ президентларининг бу сафарги учрашувидан нима кутиш мумкин эди? Стратегик қуролларни қисқартириш тўғрисидаги Шартноманинг имзоланишиними? Яширишнинг ҳожати йўқ, кўпчилик шуни кутганди. Лекин ундай бўлмади. Аммо бундан олий даражадаги мулоқот самарасиз ўтибди-да, деган хулосага келмаслик керак. Зеро, Вашингтондаги совет элчихонасида икки мамлакат пойтахтларида Совет Иттифоқи ва Қўшма Штатларнинг маданий-ахборот марказини таъсис этиш ва икки давлат божхоналар хизмати ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш тўғрисидаги битимларнинг имзоланиши ўзаро ишонч сўздагина эмас, балки амалий ва ҳаётий эканлигини тасдиқлайди. Битимлар орасида энг диққатга сазовори «Шеврон» компаниясининг Каспий денгизи ноҳиясидаги Тенгиз нефть конида олиб борилаётган изланишларда қатнашишига келишиб олингани бўлди, десам янглишмасман. Ватанимиз иқтисодиёти «ўтириб» қолган бир пайтда бунинг қанчалик муҳимлиги ҳақида гапириш ортиқча бўлса керак. Сўзсиз, қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисидаги ҳар қандай шартнома ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайди. Бироқ беш йил муқаддам мамлакатимизда бошланган қайта қуришнинг тақдири бугунги кунда аввалambor иқтисодиётимизнинг қай аҳволда бўлишига боғлиқлиги ҳозир ҳеч кимга сир эмас.

«Бу олий даражадаги муваффақиятли учрашув бўлди, — дейди президент Ж. Буш бўлиб ўтган мулоқотни баҳолаб. — Албатта, ўртамизда ҳали келишмовчиликлар ҳам бор. Мен Литванинг озодликка эришишини истайман. Биз Болтиқбўйи давлатлари ўз тақдирларини ўзлари белгилашлари тарафдоримиз. Гарчи мен совет яҳудийларининг кўчиши рекорд даражага етганидан хурсанд бўлсам ҳам, бу кўчишнинг ҳеч қандай тўсиқсиз амалга ошишини истардим. Биз шунингдек Куба, бирлашган Германиянинг НАТОда бўлиши ва бошқа қатор масалаларда ҳам турлича фикрга эгамиз. Бироқ мен Президент Горбачев билан Кэмп-Дэвидда норасмий суҳбатлашганимда ислоҳот ва ошкоралик тарафдори бўлган янги совет раҳбари ҳақиқатан ҳам буюк, одам деб ўйлайдим».

М. С. Горбачевнинг Шимолий Америка қитъасида бўлиши шу билан тугамади. Сафарнинг бошида Президентимиз Канадада бўлиб, мамлакат раҳбарлари билан мулоқотда бўлган бўлса, сафар ниҳоясида Сан-Францискода Жанубий Корея президенти Ро Дэ У билан учрашди. Энг катта шов-шув ва турли-туман башоратларга сабаб бўлган воқеа ҳам шудир. Оқ уйдагилар ҳам, Пекиндагилар ҳам бу учрашувдан мамнун эканликларини ва тўла-тўкис қўллаб-қувватлашларини билдирдилар.

Сан-Францискодаги учрашув ҳаммадан ҳам Токионинг расмий доиралари учун кутилмаган воқеа бўлди. У Япониянинг Осиё—Тинч океани минтақасидаги сиёсатини қайта кўриб чиқишга мажбур этади. СССР ва Жанубий Корея раҳбарларининг мулоқотини, деди Япония ташқи ишлар вазири, Япония ҳукумати Осиёда янги давр бошланиши деб баҳолайди. Шарҳловчиларнинг фикрича, «Сан-Франциско руҳи» 38-параллел бўйича ўтган «совуқ уруш»нинг охирги «фронт чизиғи»ни тугатади.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг сиёсий маслаҳат кенгаши йиғилиши ҳам жаҳон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди. Буни тушуниш қийин эмас. Негаки хавфсизлик қанчалик мустаҳкамланса Варшава Шартномаси ва НАТО сингари ҳарбий блокларнинг ҳожати ҳам қолмайди.

Ўтган ҳафталардаги яна бир диққатга сазовор воқеа Буюк Британиянинг Бош вазири М. Тэтчернинг Ватанимизга қилган расмий ташрифи бўлди. М. Тэтчер хоним Москвада СССР Президенти М. С. Горбачев, СССР Вазирлар Кенгаши Раиси Н. И. Рижков, СССР Мудофаа вазири Д. Т. Язов, Москва шаҳар Шўросининг раиси Т. Х. Поповлар билан учрашиб суҳбатлашди. Ва ниҳоят хорижда юз берган яна бир муҳим воқеа Болгарияда ўтган сайловларда Болгария Социалистик партияси ғолиб чиқди. Италияда бутун дунёдаги футбол ишқибозлари орзиқиб кутган XIV жаҳон биринчилиги бошланди. Афсуски мамлакатимиздаги чарм тўп ихлосмандлари учун футбол байрами кўнгилдагидек бошланмади: СССР терма командаси ўйинчилари иккала ўйиндан кейин ҳам мағлубият аламини тортдилар...

...Ўзини оддий бир американлик деб билувчи Сюзанна Торри Президентимиз М. С. Горбачев тўғрисида гапириб шундай деган эди: «Биз уни жуда ,севамиз. У туфайли дунё ўзгарди. У туфайли энди биз Совет Иттифоқидан қўрқмаймиз».

ДАРҲАҚИҚАТ, дунё ўзгармоқда. Мамлакатимизнинг хорижга, хорижнинг бизга бўлган муносабати ўзгармоқда. Олдингидек ҳадиксираш, қўрқув, ишончсизлик ҳозир йўқ. Бунга яққол мисол қилиб яна ўша кечагина «1-сонли душман» бўлган АҚШ билан алоқаларимиз мустаҳкамланиб, ҳамкорлигимиз кенгаётганини келтириш мумкин. Фикримча давлатимиз бошлиғи ҳам ҳеч қачон хорижда ҳозиргидек обрўга, ҳурматга, меҳр-муҳаббатга сазовор бўлмаган. Таассуфки мамлакатимиз ичида бўлаётган ўзгаришлар хусусида ана шундай қониқиш билан ёзолмайман. Ўшдан келган дастлабки ташвишли хабарни эшитганимдан буён беихтиёр: **«Эй одамлар, сизларга нима бўлди!! Кўзингизни очинг, душманларимиз ноғорасига ўйнаманг! Наслинасабингиз бир, имон-эътиқодингиз-динингиз бир! Бир-бирингизни қириб, ўрнингизни кимларга бўшатиб бермоқчисиз!»** дея ҳайқиргим келади...

«Баҳор-ёз 90» туркумидаги Пьер Карден услубига мансуб бу икки модели совет модельерлари Парижда намойиш этишмоқда.

АФП—ТАСС сурати.



Мен орзу қилган мамлакатда


Ёшлигимдаёқ ҳинд кино фильмларини ниҳоятда севиб томоша қилиб, актёрларга ҳавас қилардим. Баъзан ҳинд ашулаларини ўзимча ёдлаб олиб, маъносини билмасам-да, хиргойи қилиб юрардим. «Катта бўлсам, албатта Ҳиндистонга бораман. Деҳли, Бомбей, Калькуттани ўз кўзим билан кўраман, уларга ўзларининг қўшиқларини қўшиб бераман» деб орзу қилардим. Яқинда ниҳоят орзуимга эришдим. Биз бир гуруҳ санъаткорлар СССР театр жамиятининг йўлланмаси билан Ҳиндистонда бўлдик.

Калькутта билан Москва вақт жиҳатидан 2 соату 30 минут фарқ қилар экан. Аэропортдан шаҳарга чиқиш йўлида қизиқ воқеалар бўлди. Одатда ҳамма ерда йўловчиларга «қаерга борасиз, оборай» деб ҳайдовчилар қаршингизда туришади. Мен группанинг энг охирида кетаётган эдим. Чиқишимиз билан бутун группага турист тариқасида қараб турган маҳаллий ҳайдовчилар мени ҳинд деб ўйлашди шекилли, атрофимни ўраб олиб аллақималар дейишарди. Имо-ишора, қўл ҳаракати билан мен «ҳинд эмасман, ўзбекман, Тошкент, Тошкент» дегандим ҳаммаси кулиб юборишди. Автобусга яқинлашишимиз билан кўпгина ёш болалар ва қизчалар пайдо бўлиб автобусимизни ўраб олишди. Уларнинг деярли ҳаммаси ўз тилларида нималардир деб қўлларини узатишар ва садақа сўрарди. Нима қилишимизни билмай қолдик. Сабаби ҳали ҳиндча рупияларни қўлимизга олмаган эдик. Ўзимиз билан олиб борган совғаларимиз эса чамадонларда эди. Шу ердаёқ миямга бир фикр келди. Дарҳол автобуснинг очиқ турган эшигини чалиб, қўшиқ бошлаб юбордим:

Мера жутта ҳе жапани
Енадлуен инглиз тани
Сарпи лал тони рум
Пхир би дна хе ҳиндустани

Аввалига улар ҳайрон бўлиб қараб қолишди. Кейин эса чунонам хурсанд бўлиб ўйинга тушиб кетишдики, ҳатто эсларидан садақа сўраб келганлари ҳам чиқиб кетди. Шундан сўнг биз меҳмонхона томон йўл олдик. Ҳалиги болалар анчагача автобус орқасидан югуриб келишди. Ҳаммаси яхши бўлди. Аммо уларнинг ҳеч бўлмаганда бирортасига ҳам эсдалик учун бирор нарса қолдирмаганимиздан [illegible]. Биз аэропортдан унча узоқ бўлмаган меҳмонхонага етиб келдик. Меҳмонхонанинг хоналари шинамгина бўлиб, замонавий техникалари билан жиҳозланган. Тезда бизни кечки овқатга таклиф қилишди. Ресторанда «швед столи» қўйилган бўлиб ҳар ким керагича турли хил овқатлардан ўз тарелкасига солиб оларди. Шу куни ниманидир бошқалардан кечикиб келдим-да, тарелкадаги овқатимни столга қўйиб эндигина ўтиргандим, официант ёнимга келиб «финиш» деди. Мен «финиш» дегани «энди келдингми» дегани бўлса керак деб, «да финиш» дедим. Шундан сўнг у «оккей» дедида, овқат солинган тарелкани йиғиштириб ола бошлади. Дарҳол гап нимада эканлигини тушундимда, «финиш нао» деб тарелкани қўлимдан олдим. Атрофда гуриллаб кулги кўтарилди.

Шундай қилиб Ҳиндистон мамлакатидаги биринчи кечамиз Калькутта шаҳрида ўтди. Калькутта Ҳиндистоннинг энг катта шаҳарларидан бўлиб, бу ерда 10 миллион аҳоли



(Сурат 1986 йили Тошкентда олинган).

истиқомат қилар экан. Эртаси «Калькутта—Деҳли» рейси билан Деҳлига келдик. Меҳмонхоналарда, шаҳарда, тайёраларда деярли ҳамма инглиз тилида сўзлашарди. Мен ҳам шу икки кун ичида анчагина инглизча сўзларни билиб олдим. Деҳлига қўнганимиздан сўнг самолётдан чиқишда узун кўйлак кийган ҳинд аёлининг этагини босиб олдим. У ўгирилиб жаҳл билан менга қараганди, ўзимча инглизчалаб «сэм сори санкью вермач» (кечирасиз, катта раҳмат) дебман. У аёл кулиб юборди. Тез орада биз ўзимизнинг гид билан танишдик. Исми Пушпа экан. У рус тилида яхшигина гапирарди. Кўп ўтмай уни ҳаммамиз яхши кўриб қолдик. Деҳлидаги «Самрат» меҳмонхонасида турдик. Автобусдан тушишимиз билан ҳаммамизнинг пешонамизни ҳиндларга хос қизил ранг билан бўяшди. Эртасига шаҳар айланишга чиқдик. Ҳаво ниҳоятда иссиқ. Ҳар қадамда сув ичгинг келади. Нимагадир шу куни ўзим билан пул олишни унутибман. Ёнимдаги икки рупийдан ташқари ҳеч нарса йўқ эди. Сув сотишаётган дўконга бордимда, кока-колани кўрсатиб «қанча» дедим, сотувчи бармоғи билан 4 рупий деб кўрсатди. Мен «йўқ» дедим. У яна бармоғи билан 3 рупий деб кўрсатди. Мен инглизчалаб «нов» дедимда икки бармоғимни кўрсатдим. У йўлингдан қолма деган маънода, кетавер деб ишора қилди. Шунда мен:

Горонки на коронки
дунья хе диволонки
Ханеке жне ханеке маре
ҳам жейса диваолонки,

деб ашулани бошладим. Қўшиқни эшитиб, ҳалиги дўконнинг хўжайини холодильник ичидан муздек кока-колани очиб қўлимга берди. Мен яна «Сколько» дедим, у [illegible] топди шекилли, русчалаб «подарок, дўстибиродар» деди кулиб.

Пушпанинг айтишига қараганда, Деҳлида ҳам 10 миллион аҳоли бўлиб, шундан 4 миллион аҳоли яхшигина уйли-жойли, яна 4 миллиони эса бир амаллаб яшар экан. Қолган икки миллион аҳоли эса ҳеч қандай бошпанага эга бўлмай, тўғри келган жойда ётиб, қолавераркан. Деҳли кўчалари машиналар билан ниҳоятда серқатнов. Энг қизиғи шуки, гўё уларда деярли йўл ҳаракати қоидалари йўққа ўхшайди. Шаҳардаги магазинлар эрталаб соат 8 дан 11 гача ишлайди. Улар кечкурун ўзларининг шахсий двигателларини ёқиб савдо қилишар экан.

Эртасига 200 км. йўл юриб Жайпур шаҳрига бордик.

Кун бўйи шаҳар айландик. Шаҳарда ҳарбий ҳолат бўлганлиги сабабли кеч соат 5 дан бошлаб комендантлик соати жорий қилинган экан. Ҳатто меҳмонхона атрофига чиқишга ҳам руҳсат беришмади. Жайпурда икки кун бўлиб 6 декабрь тонгдаёқ Агра шаҳри томон йўл олдик. Аграга киришдан олдин «Ўлик шаҳар» деб номланган жойда бўлдик. Бир пайтлар бу ерда императорлар йиғилишиб, гуноҳкорларни жазолашар экан. Айтишларича, жазо усули жуда кучли бўлган. Гуноҳкор деб ҳисобланган маҳбусни шундоққина майдон олдидаги филнинг олдига ташлашар экан. Агар фил уни босиб ўлдирса у гуноҳкор, агар фил унга индамаса, уни айбсиз деб қўйворишар экан. Агра шаҳрида 1 миллионга яқин аҳоли бўлиб унинг 62 фоизини ҳиндлар, қолганини мусулмонлар ташкил қилар экан. Тожмаҳал бизга ниҳоятда ёқди. Шундан сўнг биз Деҳли, Бомбей, Монголар шаҳарларида бўлдик. «Ашоқ» меҳмонхонасида хайрлашув кечаси бўлди. Қўшиқларимни эсдалик учун магнитафонга ёзиб олишди.

Эртаси тушдан сўнг Деҳли аэропортида ҳинд дўстларимиз бизни кузатишди. Кўп ўтмай Деҳли — Тошкент — Москва авиалайнеримиз кўкка парвоз қилди. Яна осмону фалакдамиз. Ҳиндистон ҳар қанча гўзал, сеҳрли бўлмасин она юртим ҳақида ўйлардим. Тезроқ Тошкентга етиб, онам билан дийдор кўришишни истардим. «Ҳурматли йўловчилар! Яна бир неча минутдан сўнг Тошкент тайёрагоҳига қўнамиз»... Вужудим титраб кетди. Менимча дунёда она-юртдан гўзал, азиз, муқаддас нарса бўлмаса керак.

Таксида кетаяпман. Тошкент оқшоми ҳар галгидек гўзал, кўчалар гавжум. Такси уйимиз остонасида тўхтади. Кўксимни ҳаяжон тўлдиради. Ўзимча шивирлаб бораяпман: «Ҳозир болаларим бағримга отилади. Айниқса кичкинам Ҳулкар бўйнимдан тушмайди. Чарос мени кўриб, йиғлаб юбориши керак. Санъат эса мактаб кундалигини дарҳол олиб келиб кўрсатади».

Эшигимиз қўнғироғини босаман. Ичкаридан хотинимнинг «ким у?» деган овози эшитилади. «Ким бўларди, Соат акангда» дедим. Ана, эшик очилаяпти...

Энди мени кечирасизлар, ичкарига киришим керак. Хайр...

Соат ШАРИПОВ.

Тошкент — Москва — Деҳли — Тошкент.

Янги китоблар

«Айтсамми ё айтмасам»

Сафо Очил кенг халқ оммасига «Гавҳартош», «Камалак ва сумалак» сингари болаларбоп шеърий китоблари, «Генрих Гейне ва унинг ўзбек тилидаги таржималари» рисоласи, «Замин садолари» адабий-танқидий мақолалар тўпламлари орқали маълум. Қўшиқ ихлосмандлари эса шоирнинг Олмахон Ҳайитова, Қувондиқ Искандаров, Ортиқ Отажонов, Отажон Худойшукуров, Камолиддин Раҳимов, Ғуломжон Ёқубовлардай истеъдодли хонандалар томонидан маҳорат билан куйланган «Айтсамми ё айтмасам», «Гул сайлига боролсанми», «Майлими», «Шайдо денглар», «Илтимос», «Ноз этар», «Нозли-нозли» каби ўнлаб нафис қўшиқларини яхши билишади...

Сафо Очилнинг «Айтсамми ё айтмасам» шеърий китоби ҳам тақриз учун кўпгина адабий танқидчиларга берилди. Уларнинг баъзилари китобга бироз салбий фикр билдирдилар, айримлари тўпламни қисқартиришни, бошқалари эса ижобий баҳолаб, нашрга тавсия этдилар. Шоир талай танқидий фикрларга қўшилмади. Шу пайтда (1988 йил) СССР матбуот Давлат қўмитаси муаллифлар китобларни ўз ҳисобидан чоп этиш ҳуқуқлари тўғрисида махсус қарор қабул қилди.

Шу имтиёздан фойдаланиб, Сафо Очил «Айтсамми ё айтмасам» (Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989 йил) танланган шеърий асарларини нашр этди. Унга иқтидорли шоирнинг қарийб 35 йил давомида ёзган шеър, қўшиқ ва достонларидан намуналар жамланган.

Шеърий асар инсон туйғуларига, ҳиссиётига таъсир этиб, унинг юрагини «жиз» эттирсагина халқ мулкига айланади. Инсон ҳисларига таъсир этиш учун шеърга ҳаёт ҳақиқати билан бадиий ҳақиқат уйғунлиги ва жонли тимсоллар керак. Бу нарса шоир халқининг тафаккур миллийлиги ва тил хусусиятлари билан бевосита боғлиқдир. Бошқача айтганда, шеърнинг лирик қаҳрамони ўзбекча фикрлаши ва ўқувчи билан ўзбекча гаплашиши зарур. Шу фазилатлар Сафо Очил шеърларига жон бахш этган.

Бу шеърий китобнинг лирик қаҳрамони ўзлигини «Айтсамми ё айтмасам» иборасида мужассамлаштиргандай туюлади. Чунки шу иборада ўзбекона истиҳола, андиша, тортинчоқлик оҳанги ва маънолари акс этгандай.

Сафо Очил барчага таниш бўлган табиат манзаралари-ю лавҳаларидан бошқача маъно ва мазмун топа олади. **«Ана, учиб келар кўкда турналар алҳол, найзасимон изларида камалак шодон учиб ўтдилар, учиб кетдилар («Ариқ бўйи»)** сатрларида мажозий маъно ва тимсол акс этган. Бу ерда табиат ҳақиқати билан бадиий ҳақиқат чатишиб кетган. Чиндан ҳам турналар учиш шакли найзага ўхшайди. Найза ҳар қандай ҳаво қаршилиги-ю шамолларини ёриб ўтишга қодир.

«Эл соғинчи» шеъридаги **«Амударё, кутгил мени, кутгил умидвор, лойли-лойли сувларингдан қониб ичгум бор»** мисраларида лирик қаҳрамоннинг ўз эли — Хоразм воҳасидан айра тушгани, шунингдек лойқа сув пишқириб оқиб турган қадим дарёни қўмсаш дарди билан ёниши ўзгача ҳазин оҳангда куйланган. Ҳа, Амударёнинг лойқа, тиллоранг сувлари бутун Хоразм воҳаси ва Оролнинг тушидан аримайди.

Сафо Очил мамлакат бўйлаб кезиб юрган қайта қуриш нафасидан илҳомланиб, шу туйғуларини қўшиққа кўчиради: **«Иқболимга минг раҳмат. Ахир элда Адолат, Кун бор экан сафоли, Мен кутган даврон келди».** Бу шеър аллақачон хоразмлик хонандалар томонидан қўшиқ қилиб куйланмоқда, эл қалбига сингиб кетди.

Ўзбек тилининг мукаммаллиги ва яхлитлигини эл-элатлар, вилоятлар шеваларисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Айниқса, Хоразм шеваларида ўзбек тилининг қадимийлиги ҳозиргача сақланиб келмоқда. У ҳозирги замон ўзбек тилининг бойишига салмоқли ҳисса қўшиши табиийдир. Бу борада Сафо Очил китобининг «Хоразмча куйлайман», «Аждодлар монологи» туркумлари муҳим ҳисса қўшади, деб ўйлаймиз.

Умуман олганда, муаллиф ҳисобидан чоп этилган Сафо Очилнинг «Айтсамми ё айтмасам» шеърий китобини ўқувчилар яхши кутиб олишди.

ТВ

16 ИЮНЬ — ШАНБА

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув. 10.00 «Охирги икки». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия). 11.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бўзлаётган Бўзсув». 11.45 «Нур таратган соҳибалар». Кинокўрсатув. 12.55 «Дўстлик» программаси. «Замондас». Қозоғистон ва Ўзбекистон оқинлари ўртасидаги айтишув.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Тенгдошлар». 18.45 Мультипанорама». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 Оқшом эртаклари. 20.00 Москва. «Время». 20.30 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 21.00 **Ўзбекистон ССР Олий Советининг II сессияси олдидан.** «Оналар орзуси». 21.30 «Навоий наволари». Мусиқий кўрсатув. 22.00 «Ҳафтанома». 22.40 «Саудия Арабистонига зиёрат олдидан». 23.10 «Навоий наволари». Мусиқий кўрсатув (давоми). 00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 Ритмик гимнастика. 9.15 «Савту калом». Адабий-мусиқий кўрсатув. 10.05 «Капитан Грантни излаб». Етти серияли телевизион бадиий фильм. 3 ва 4-сериялар.

* * *

16.55 Кўрсатувлар тартиби. 17.00 СССР футбол федерацияси кубоги. «Помир» (Душанбе) — «Динамо» (Москва). Фрунзе номли жумҳурият стадионидан кўрсатилади. Танаффус пайтида — Ҳужжатли фильм. 18.50 «Светофор». Октябрятлар учун программа. 19.30 «Новости». 19.50 «Тунги Эрмитаж». Кинолавҳа. 20.00 Москва. «Время». 20.30 «Тожикистон ССР Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар беради...». 20.35 «Шаби дилкушо». 22.00 «Ахбор». 22.20 «Мавчи гўё». Тожикистон радиосининг 60 йиллигига.

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.00 «Сиз яратган боғ». 8.30 «Инсон. Ер. Коинот». 9.30 «Партнер». Тижорат хабарномаси. 10.00 «Италияда беш кун...». 1937-38 йилларда қатағон қилинган итальян оилаларининг тақдири ҳақида. 10.45 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Май ойи эди». Телевизион бадиий фильм («Экран»). 12.35 «Спектр». 13.05 «Ҳайвонот оламида». 14.05 Сиёсий мулоқотлар. Москва — Ленинград—Кемерово телекўприги. 15.05 «Металл формуласи». Ҳужжатли фильм премьераси. Актюбинск ферросплав заводи ҳақида («Моонсундфильм»). 15.15 Оила экрани. «Сотқин аёл». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия). 16.55 «Ер — она масканимиз». Фотоконкурс. 17.00 «Халқаро панорама». 17.45 «Оққушлар». Мультфильм. 18.00 «Биргалашиб қўшиқ куйлаймиз, дўстлар». 20.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати. 20.30 «Бахтли тасодиф». Оилавий викторина. 21.35 «Сеҳрли куч». Телевизион бадиий фильм. 22.40 Сизни «Саквояж» қаҳвахонаси таклиф этади. Эстрада программаси. 00.30 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати. 00.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Англия — Голландия терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади.

● МТ II

7.30 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 7.50 «Антон-квартет бизнинг студиямизда». 8.15 Футбол. Жаҳон чемпионати. Австрия — Чехословакия терма командалари. 2-тайм. Италиядан кўрсатилади. 9.15 Футбол. Жаҳон чемпионати. ГФР — Бирлашган Араб амирликлари терма командалари. 2-тайм. Италиядан кўрсатилади. 11.45 «Ҳаёт гўзал». Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм» ва «Куатто чинематографика», Италия). 13.25 Мусиқий видеоканал. 15.25 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 15.55 «Совет Россияси» видеоканали. 18.25 «Шахматчининг кузи». Жаҳон экс-чемпиони М. Ботвинник ҳақида. 19.25 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Булут ва соя». 20.00 Информацион программа. 20.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Бразилия — Коста-Рика терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади. 23.00 Информацион программанинг давоми. Кўрсатув тугагач — Тунги сеанс. «31-бўлим ҳалокати». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар («Таллинфильм»).

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

Ёш ЛЕНИНЧИ
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р. — 04617. Д. — 23484.